

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

4/2021

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Ҳалилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Мирзоулузбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Замира ЭСАНОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир

Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб

Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz

Веб-сайт: www: odilsudlov.sud.uz

Босишга 2021 йил 21 апрелда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма – 5. Нашр адади 4720 нусха.

Навбатчи муҳаррир

Муталиф СОДИҚОВ

НАШР ИНДЕКСИ – 909.

Сотувда келишилган нархда

«НАКИМА NASHR GROUP» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100 057,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Ифтихор кўчаси, 117-уй

«ОДИЛ СУДЛОВ» - «ПРАВОСУДИЕ» ЖУРНАЛИ 25 ЁШДА!	3
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ	6
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ	13
СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ АСОСЛАРИ	
Д. Арипов. Суд тизимида коррупцияга қарши кураш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари.....	25
ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН	
Д. Довудова. Жиноят ишларини юритишда суд муҳокамасига қадар прокурор ваколатлари ва дастлабки эшитув институтининг хусусиятлари.....	32
А. Абдураззаков. Жамоат айбловчиси ва ҳимоячиси.....	36
МУНОСАБАТ	
Х. Қурбонова. Ўзбошимчалик жинояти.....	38
КОДЕКС ЛОЙИҲАСИГА МУНОСАБАТ	
А. Сафарова. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс: лойиҳадаги янгиликлар соҳага доир иш юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган.....	40
ШАРТНОМА ҲУҚУҚИ	
О. Халмирзаев, К. Халмухамедов. Маҳсулот етказиб бериш шартномасини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари.....	44
У. Маҳмудходжаева. Ички ишлар органлари иштирокида тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	47
ТАБРИКЛАЙМИЗ!	
«Адолат – қонун устуворлигида» танлови якунланди	51
ДУРДОНАЛАР	
Ҳикматлар хазинасидан	54
ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотеКА ЮРИСТА	79

МАҚСАД - ЭЗГУЛИК

Мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди муассислигида чоп этилаётган ҳуқуқий, илмий-амалий «Одил судлов» - «Правосудие» журналининг алоҳида ўрни бор. Журнал даставвал «Хўжалик ва ҳуқуқ» - «Хозяйство и право» номи билан 1996 йилдан юксак эзгу-мақсад йўлида чоп этила бошланган. Тахририят ходимлари республикамизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини кенг тарғиб қилишга, фуқароларнинг, айниқса, эндигина шаклланиб келаётган, мамлакатимиз равнақи учун муҳим соҳа бўлган тадбиркорлик билан шугулланаётган қатламнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган мақолаларни ёритишга алоҳида эътибор бериб келишмоқда. Ўз навбатида, соҳага оид қонун ҳужжатлари, Олий суд Пленуми ҳамда Раёсати қарорлари мунтазам бериб борилмоқда.



Айниқса, ҳуқуқшунос олимлар, юристлар, адвокатларнинг суд-ҳуқуқ соҳасига оид илмий фикрлари, янги таклифларини чоп этилишига журнал саҳифаларидан ўрин ажратилиши унинг ўқувчилари томонидан янада қизиқиб ўқилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, ушбу нашр республикамиздаги санокли журналлар қатори олимлар ва изланувчиларнинг мақолалари эълон қилинадиган илмий журналлар рўйхатиغا киритилган.

Журналнинг яна энг муҳим вазифаларидан бири – бу судья ва суд тизими ходимларининг қонун тарғиботиغا, суд амалиётига ва асосийси, адолат устуворлигига одамларда ишонч уйғота оладиган долзарб мақолаларининг кенг чоп этилишидир. Бунинг муҳим жиҳати – фуқароларга суд тизими ва судьялар фаолияти билан яқиндан танишиб бориш учун имкон яратилганидир.

Журналнинг 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилгани ҳам унинг фаолиятига муносиб баҳодир.

Энг асосийси, журнал ҳуқуқшунос олимлар, судьялар ва суд ходимлари, умуман айтганда, кенг жамоатчиликнинг сеvimли нашрларидан бирига айланди. Албатта, бунинг замирида журнал тахририяти ходимлари, тахрир ҳайъати аъзолари, фаол муаллифларнинг сермаишакқат ва фидойи меҳнати муҳимдир.

«Одил судлов» - «Правосудие» журналининг 25 йиллик санаси билан қутлаб, тахририят жамоасининг келгусидаги машаққатли ишларида юксак ютуқлар тилайман. Ишончим комилки, журнал келгусида ҳам ўз мақсади йўлида собитқадамлик билан фаолият кўрсатади ҳамда мавқеини бундан-да оширади.

К. КАМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

ЎЗ ЎРНИГА ЭГА НАШР



Адолатли суд тизими фаолияти билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништиришда «Одил судлов» – «Правосудие» журналининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Мазкур нашр 25 йиллик тарихга эга бўлиб, Мустақилликнинг илк йилларидан Олий хўжалик суди қошида «Хўжалик ва ҳуқуқ» – «Хозайство и право» номи билан ташкил этилиб, 1996 йил март ойидан буён чоп этиб келинмоқда. Журнал ўзининг кўп босқичли тарихини босиб ўтиб,

2017 йилдан буён «Одил судлов» – «Правосудие» номи остида фаолият юритиб, Ўзбекистоннинг суд тизимига тааллуқли мақомга эга бўлган нашрга айланди.

Журнал 25 йиллик фаолияти давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий судлар қонунчилиги ва амалиёти, одил судлов соҳасидаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларига оид материалларни мунтазам ёритиб боргани билан ўз ўрнига эга бўлди. Шунингдек, мазкур нашр ҳуқуқшунос олимлар, юристлар, адвокатларнинг суд-ҳуқуқ соҳасига оид илмий қарашларини, таклиф қилаётган янгиликларини, судьялар ва суд тизими ходимларининг соҳага оид мақолаларини чоп этиш, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига ҳуқуқий кўмак бериш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Журналининг илмий, ижодий, ҳуқуқий йўналишдаги фаолиятида ҳар бир нашрнинг эзгу мақсади бўлган интилувчанлик, ўз аудиториясига эга бўлиш, ўқувчилари қалбидан чуқур ўрин эгаллаш каби мақомда доимий фаолият юритишини тилайман.

Таҳририят жамоасига мустаҳкам соғлиқ, ижодий баркамоллик, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни ёритишда улкан муваффақиятлар тилайман.

М. АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди раиси

* * *

Китоб – пул тўланмайдиган ва миннатдорчилик билдирилмайдиган ўқитувчидир. Ҳар сонияда у сенга доноликни ўргатади. У сирли ишлар тўғрисида сукут билан хабар берувчи чармга қопланган мияли суҳбатдошидир.

Алишер Навоий

ЭРКИН ФИКР МИНБАРИ



«Одил судлов» – «Правосудие» журнали тахририятига!

Судьялар ҳамжамияти ва шахсан ўз номидан «Одил судлов» – «Правосудие» журнали тахрир ҳайъати ва ижодий жамоасини наир ташкил этилганининг 25 йиллиги билан самимий табриклайман.

Чорак асрдан буён журналнинг номи бир неча марта ўзгарди, бироқ, фаолият йўналиши, мазмун-моҳияти ўзгаргани йўқ. Аксинча, у одил судловни амалга ошириш, ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини изчил ёритиб келмоқда. Айтиш мумкинки, қонунчилик тарғиботи, шу орқали аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда журнал ижодий ходимларининг баракали ҳиссаси бор. Бундан ташқари, «Одил судлов» – «Правосудие» журнали ёш журналистлар учун ўзига хос маҳорат мактаби, эркин фикр айтиш минбарига айланганини ҳам мамнуният билан қайд этамиз.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари янги босқичга кўтарилгани боис, оммавий ахборот воситаларига эҳтиёж ҳам, талаб ҳам кучайди. Бу эса, журнал ходимларига янада кўпроқ масъулият юклайди.

Журнал тахрир ҳайъати ва ижодий ходимларига ана шундай масъулиятли ва шарафли ишларида муваффақиятлар тилайман.



Х. ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши раиси

Китоблар қалбни ёритади, инсонни юксакликка кўтаради ва кучига куч қўшади, унда энг яхши орзу-истакларни уйғотади, ақлини чархлайди ва юрагини юмшатади.

Теккерей

Замонамиздаги энг ёмон ҳодисалардан бири шуки, фақат билим доираси тор одамларгина ўз ишларининг мукамаллигига қатъий ишонадилар.

Бертран Рассел

Яхши китоб кўтариб олган одам ҳеч қачон ёлғиз қолмайди.

Гольдони



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТОМОНИДАН 2020 ЙИЛНИНГ ТЎРТИНЧИ ЧОРАГИДА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти қонуний асослар вужудга келган ва мавжуд бўлган ҳолдагина белгиланиши лозим.

Даъвогар Э. жавобгарлар М. ва бошқаларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда ўзини 1991 йилдан 2004 йилга қадар марҳум А.нинг қарамоғида бўлганлиги фактини белгилашни сўраган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 17 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 5 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, даъвогар Э. 1991 йилдан 2004 йилга қадар 2012 йил 9 январда вафот этган марҳум А.нинг қарамоғида бўлганлиги факти белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 23 октябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, фуқаро Д. ва жавобгар Б. 1984 йил 28 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган ва турмушидан уч нафар, яъни 1986 йил 19 январда туғилган даъвогар Э. исмли фарзандли бўлишган.

Эр-хотин Д. ва Б. 1989 йил 25 декабрда суднинг ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажратилган.

Шундан сўнг жавобгар Б. фуқаро А. билан 1991 йилда турмуш қуриб, никоҳлари

1994 йил 19 декабрда қонуний қайд этилган. Фуқаро А. 2012 йил 9 январда вафот этган.

Туман ҳокимининг 2017 йил 30 сентябрдаги қарори билан низоли уй-жойга нисбатан марҳум А.га эгалик ҳуқуқи берилган.

2019 йил 20 мартда нотариал тартибда берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан марҳум А.га тегишли низоли уй-жойга нисбатан унинг қизи жавобгар С. меросхўрлиги тасдиқланган.

Даъвогар Э. ва қолган меросхўрлар ўртасида марҳум А.дан қолган уй-жойга нисбатан мерос доирасида низо вужудга келиб, даъвогар Э. мерос олиш мақсадида қарамоғида бўлганлик фактини белгилаш учун судга мурожаат этган.

Судлар даъвони қаноатлантиришда даъвогар Э. 18 ёшга тўлгунча, яъни 2004 йилга қадар марҳум А. билан бирга яшаганлигини асос қилган.

Олий суд Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги «Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 5-сонли қарори 10-бандига кўра, судлар мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик фактини белгилашда Фуқаролик кодексининг 1139, 1141-моддалари ва Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги «Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида»ги 05-сонли қарори 16, 17-бандларида баён қилинган меҳнатга қобилиятсиз боқимларининг уч тоифа-

си юзасидан берилган тушунтиришларга амал қилишлари лозимлиги кўрсатилган.

Аммо, судлар мерос очилган вақтда (2012 йил 9 январь) даъвогар Э. мерос қолдирувчи марҳум А. билан бирга вафотига қадар у билан бирга яшамаганлиги ва бу вақтда даъвогар Э. деярли 26 ёшда бўлганлиги, шунингдек, у биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони бўлмаганлиги, қарамоғида бўлганлик фактини белгилаш учун қонунда белгиланган учта юридик элементнинг ҳеч бири мавжуд эмаслигини инобатга олмасдан даъво қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

12-2051-20-сонли иш

* * *

2. Зарарни тўлаш мажбурияти ошиқча хавф манбаига мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда (мулк ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишоннома, тегишли органнинг унга ортиқча хавф манбаини топшириш тўғрисидаги фармойишига кўра ва ҳоказо) эгаллик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкланади. Ошиқча хавф манбаи эгаси учинчи шахсларга етказилган зарар учун солидар жавобгар бўлади.

Даъвогар Л. жавобгарлар «Шердор» МЧЖ, «Дониёр» МЧЖ ва фуқаро У.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарлардан 300 000 000 сўм маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 20 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 3 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгар «Дониёр» МЧЖдан даъвогар Л.нинг фойдасига 70 000 000 сўм маънавий зарар ва давлат фойдасига

446 000 сўм давлат божи ундирилиши белгиланган, даъвонинг қолган жавобгарларга оид қисми рад қилинган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 21 декабрдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, жавобгарлар У. ва «Дониёр» МЧЖдан солидар тартибда даъвогар Л.нинг фойдасига 70 000 000 сўм маънавий зарар ва 446 000 сўм давлат божи ундирилиши белгиланган.

Аниқланишича, «Шердор» МЧЖ ўзига тегишли бўлган «Газ 330200» русумли юк автомашинасини 2019 йил 8 августда ижара шартномаси билан бир йил муддатга нотариал расмийлаштирилган тарзда «Дониёр» МЧЖга ижарага берган.

Ўз навбатида, «Дониёр» МЧЖ 2019 йил 1 октябрда буйруқ асосида жавобгар У.ни автомашина ҳайдовчиси вазифасига ишга қабул қилган.

Ижара шартномасида «Дониёр» МЧЖга Фуқаролик кодексининг 113-128, 564-572, 985-1004-моддалари тушунтирилганлиги баён этилган.

Жавобгар У. 2019 йил 6 ноябрь куни соат 23:30 ларда «Дониёр» МЧЖ номидан берилган йўл варақаси асосида ўзига бириктирилган «Газ-330200» русумли юк автомашинасини маст ҳолатда бошқариб кетаётган вақтда даъвогар Л.нинг турмуш ўртоғи Д.ни уриб юборган ва Д. олган тан жароҳати натижасида воқеа жойида вафот этган.

Ушбу ҳаракатлари учун жавобгар У. суднинг 2020 йил 19 февралдаги ҳукми билан Жиноят кодекси 266-моддасининг иккинчи қисми билан айбдор деб топилган ва унга тегишли жазо тайинланган.

Бироқ, судлар ғайриқонуний хатти-ҳаракати суд ҳукми билан тасдиқланган ҳайдовчи У. ҳам солидар жавобгар бўлиши лозимлигини инобатга олмасдан фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик чорасини «Дониёр» МЧЖга қўллаган ҳолда барвақт хулосага келган.

12-421-20-сонли иш

* * *

3. Ишдан ўз ихтиёрига кўра озод этилган шахсга нисбатан реабилитация оқибати қўлланилиши мумкин эмас.

Даъвогар А. жавобгарлар Ички ишлар вазирлиги ва бошқаларга нисбатан судга мурожаат қилиб, унда ишга тиклаш, мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ҳамда ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги оқибатида етказилган маънавий зиёнларни ундиришни сўраган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 8 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 6 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, ИИБнинг 2013 йил 16 февралдаги буйруғи ғайриқонуний деб топилиб, даъвогар А. 2013 йил 7 февралдан илгари эгаллаб турган (шаҳар кўриқлаш бўлимининг техника бўйича ўринбосари) лавозими ёки унга тенглаштирилган лавозимга ишга тикланиши белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 17 декабрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар А. 2005 йилнинг июль ойидан 2013 йилнинг февраль ойига қадар вилоят ИИБ ЖҚБда турли лавозимларда ишлаб келиб, сўнгра Кўриқлаш бошқармасига ўтказилган.

Даъвогар А. 2013 йил 7 февралда оилавий шароити ва хизматдан ўз хоҳишига кўра, бўшатишни сўраб берган билдиргисига асосан, вилоят ИИБ бошлиғининг 2013 йил 16 февралдаги буйруғи билан хизматдан қуролли кучлар резервига бўшатирилган.

Айни вақтда А. суднинг 2013 йил 26 мартдаги ажримига кўра, жиноий жавобгарликка тортилган ва у амнистия актига

асосан жазодан озод этилган.

Вилоят прокуратураси терговчисининг 2019 йил 14 ноябрдаги қарори билан А. Жиноят-процессуал кодекси 83-моддасининг 2-бандига асосан реабилитация қилинган.

Судлар даъвони қаноатлантиришда даъвогар А. реабилитация қилинганлигини асос қилган.

Аммо, судлар даъвогар А. хизматдан жиноий жавобгарликка тортилганлиги учун эмас, балки ўз хоҳишига кўра, берган билдиргисига асосан бўшатирилганлиги боис Жиноят процессуал кодексининг 310-моддаси талабларини қўллаб бўлмаглигини инобатга олмаган. Бундан ташқари, А. буйруқ билан танишган вақтдан бошлаб 6 ойлик махсус даъво муддатини ўтказиб юбориб, судга мурожаат этган бўлса-да, даъво муддатини қўллаш ҳақидаги аризани муҳокама қилишда қонун нормасини нотўғри талқин этиб, хатоликка йўл қўйган.

12-1555-20-сонли иш

* * *

4. Моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри талқин этиш суд қарорларини бекор қилишга асос бўлади.

Даъвогар Ш. жавобгар Ж.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда вояга етмаган фарзандлари билан уй-жойга киритиб қўйишни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 15 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 13 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ш.нинг уйга киритиш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилиб, даъвогар Ш.ни икки нафар вояга етмаган фарзандлари билан низоли уй-жойга яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан киритиш белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 4 декабрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони

рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар Ш. ва жавобгар Ж. 2013 йил 20 февралда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган ва турмушидан 2014 йилда туғилган М. ҳамда 2018 йилда туғилган С. исмли фарзандлари бор.

Низоли уй-жой 2014 йил 29 декабрда нота-риал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан фуқаро М. га тегишли бўлган.

Даъвогар Ш. (паспорт рўйхатидан ўтмаган ҳолда) турмуш ўртоғи Ж. ва вояга етмаган фарзандлари билан қайнукаси М. га тегишли мазкур хонадонда 2019 йил июль ойигача яшаб келган ва ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли ота-онасининг уйига чиқиб кетган.

Фуқаро М. 2019 йил 19 июлда нота-риал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра, низоли хонадонни жавобгар Д.га сотган ва мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Янги мулкдор Д. жавобгар Ж. билан ўзаро қариндошлик алоқалари мавжуд эмас ва фуқаро Д. уйни эълон асосида сотиб олиб, унда оила аъзолари билан бирга яшаб келган.

Судлар даъвони қаноатлантиришда даъвогар Ш. уй-жой мулкдори Д. нинг оила аъзоси ҳисобланмаслиги, мулкдор билан ўрталарида келишув мавжуд эмаслиги, мулкдор билан умумий рўзғор юритмаганлиги ва паспорт рўйхатидан ўтмаганлиги ҳуқуқий баҳо бермасдан, Уй-жой кодексининг 32-моддасини кенгайтирилган ҳолда талқин этиб, хатоликка йўл қўйган.

12-1495-20-сонли иш

* * *

5. Судлар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлигини буйруқда кўрсатилган асослар бўйича текшириши лозим, меҳнат муносабатининг бекор қилинишини суд бошқа асосда кўришга ҳақли эмас.

Даъвогар Ў. жавобгар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундиришни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 24 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2019 йил 18 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ў.нинг даъво талаблари рад этилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 5 ноябрдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2017 йил 2 сентябрдаги буйруғига асосан даъвогар Ў. вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бош врач лавозимида уч ой синов муддати билан ишга қабул қилинган.

Даъвогар Ў.га раҳбарлик фаолияти давомида Соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 29 майдаги буйруғи билан олий малака даражаси берилган.

Аммо, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2019 йил 10 октябрдаги буйруғи асосида даъвогар Ў. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодекси (бундан буён матнда МК деб юритилади) 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига (ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги) биноан, 2019 йил 11 октябрдан бекор қилинган.

Бунга ишчи гуруҳ хулосаси, огоҳлантириш хати ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг розилик хатлари асос қилинган. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан тузилган маълумотномада, даъвогар Ў. раҳбарлик қилган шифохонанинг моддий-техника базаси етарли даражада эмаслиги, айрим туман тиббиёт бирлашмалар махсус тиббий ускуналар

билан таъминланмаганлиги, лабораториялар моддий-техник базаси ривожлантирилмаганлиги, кадрлар салоҳияти етарли даражада эмаслиги, муассасада айрим ҳужжатлар юритилмаганлиги кўрсатилган ҳамда ушбу аниқланган ҳолатлар негизда даъвогар Ў.нинг малака ва тажрибаси етарли эмаслиги хулоса қилинган ва у эгаллаб турган лавозимига нолайиқ деб топилган.

Маълумотномада кўрсатилган ҳолатлар даъвогар Ў.нинг бевосита касбий ёки раҳбарлик малака даражасига эмас, балки моддий таъминот ва кадрлар салоҳияти билан боғлиқ бўлган ташкилий тизимли камчиликлардан иборат бўлиб, ушбу ҳолат ходимни малакаси етарли эмас, деб таснифлашга асос бўлмайди.

МК 100-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра, бажараётган ишига нолайиқ бўлиб қолиши меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради.

Бироқ, судлар иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг буйруқда келтириб ўтган асосининг қонунийлиги исботланмаганлигини инобатга олмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

12-1013-20-сонли иш

* * *

6. Ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда унинг пул тўловларини ундириш ҳақидаги талаби, жамоа келишуви, жамоа шартномаларида кўзда тутилган бўлса, қаноатлантирилиши лозим.

Даъвогар Ф. жавобгар «Ўзпахтасаноат» АЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгардан 2019 йил якуни ва янги йил байрами учун мукофот пуллари ундириб бериш, ушбу тўловларни қайта якуний ҳисоб-китоб

қилган ҳолда фарқини тўлаб бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 23 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро суднинг 2020 йил 14 августдаги ҳал қилув қарори билан Ф.нинг даъво талаблари рад этилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 16 декабрдаги ажрими билан суд қарорларининг мукофот пуллари ундиришга оид қисми бекор қилинган ва шу қисми бўйича даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Унга кўра, «Ўзпахтасаноат» АЖдан даъвогар Ф.га 2019 йил якуни бўйича 46 636 983,50 сўм, янги йил байрами муносабати билан 6 633 046,50 сўм мукофот пуллари ундириш белгиланиб, суд ҳужжатларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар «Ўзпахтасаноат» АЖда 2015 йилдан бошлаб ишлаб келиб, 2019 йил 30 январдан АЖнинг кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимига ўтказилган.

«Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2019 йил 15 ноябрдаги буйруғига асосан Ф. билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ва ушбу буйруқ туманлараро судининг 2020 йил 29 январдаги ҳал қилув қарори билан бекор қилиниб, Ф. ушбу санадан лавозимига ишга қайта тикланган.

2020 йил 22 апрелда «Ўзпахтасаноат» АЖнинг буйруғига асосан Ф. билан тузилган меҳнат шартномаси МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига (корхонанинг тугатилганлиги) биноан шу кундан бекор қилинган.

«Ўзпахтасаноат» АЖнинг «Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни рағбатлантириш, кўшимча тўловларни белгилаш тартиби тўғрисида»ги Низомининг 2-бандига кўра, ходимларнинг жами иш ҳақи

таркибига лавозим маоши, лавозим маошига устама ҳақи, чорак якунлари бўйича мукофот, йил якунлари бўйича рағбатлантириш, моддий рағбатлантириш, моддий ёрдам кўрсатиш киради.

Низомнинг 13-бандида байрам кунлари, жумладан, Янги йил байрами арафасида бошқарув раисининг буйруғи билан лавозим маошининг икки бараваригача миқдорда мукофот пули тўланиши кўрсатилган.

«Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2019 йил 20 декабрда Янги йил байрами муносабати билан, 2019 йил 30 декабрда эса, 2019 йил якуни бўйича рағбатлантириш ҳақида буйруқлар чиқариб, унда АЖ марказий апаратининг барча бошқарув ва техник ходимлари лавозим окладига қараб пул мукофоти билан рағбатлантирилган.

Бироқ, судлар гарчи даъвогар Ф. рағбатлантириш ҳақида буйруқлар чиқарилган вақтда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ва шу боис буйруқда у кўрсатилмаган бўлса-да, Ф. яна қайтадан ушбу лавозимга тикланганлиги, бундай ҳолатда унинг иш фаолияти 2019 йил учун давомийлиги сақланганлиги ва шу боисдан иш берувчининг Ф. га нисбатан моддий рағбатлантириш мажбурияти сақланишига эътибор қаратмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

12-1958-20-сонли иш

* * *

7. Суд тарафларнинг битим тузганлиги, мазмуни ва бажарилганлигини муҳокама қилишда ҳар бир далилни алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан баҳолаши лозим.

Даъвогар Қ. жавобгарлар А. ва М.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгарлар А. ва М.дан 107 000 000 сўм моддий зарарни ундириб беришни сўраган.

Туманлараро судининг 2019 йил 17 июлдаги ҳал қилув қарори билан Қ.нинг

даъвоси рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2019 йил 10 сентябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш юзасидан Қ.нинг даъвосини қисман қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилиниб, жавобгар М.дан даъвогар Қ.нинг фойдасига 74 214 190 сўм ундириш белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 14 декабрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар Қ. туман прокуратурасига мурожаат қилиб, унда жавобгар М. билан келишган ҳолда 2015 йилдан бошлаб шерикчилик асосида қизилмия ўсимлигини йиғиш ва етказиб бериш билан шуғулланиб келиб, бунинг учун жавобгар М.нинг куёви А.дан жами 180 000 000 сўм олишганлигини, ушбу қарзни ўзи тўлаб берганлигини кўрсатиб, туман ИИБ ходими Р. исмли шахс ва жавобгар А.дан 17 400 000 сўм ундириб беришни сўраган.

Ариза юзасидан туман ИИБда суриштирув ишлари олиб борилиб, профилактика инспекторининг 2019 йил 28 февралдаги қарори билан жавобгар А. ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига биноан жиноят иши қўзғатиш рад қилинган ва даъвогар Қ.га судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Даъвогар Қ. ўз талабига туман ИИБда юритилган суриштирув ҳужжатлари, яъни ўзи, жавобгарларнинг тушунтириш хатлари, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги тергов органи қарорини далил сифатида келтириб, ўз важларини тасдиқловчи, хусусан, жавобгарлар А. ва М. билан ўрталарида фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни белгиловчи шартнома, тилхат ёки жавобгарлар ундан қарздор

эканлигини тасдиқловчи, айти вақтда иш учун исботлаш воситаси бўладиган ишончли ва мақбул далилларни судларга тақдим қилмаган.

Бундан ташқари, жавобгарлар А. ва М. суриштирув жараёнида берган тушунтириш хатларида, улар даъвогар Қ.дан қарздор эканлиги ёки ундан пул мажбурияти борлигини баён этишмаган.

Биринчи инстанция суди ФПКнинг 72-моддасига асосланиб, даъвогар Қ. ўз важларини асословчи мақбул ва ишончли далилларни тақдим этмаганлигини эътиборга олиб, даъвони рад қилиш ҳақида қонуний ва асосли тўхтамага келган, апелляция инстанцияси эса, жавобгарлар даъвони тан олмаган бўлса-да, фақатгина даъвогарнинг тушунтиришига асосланиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

12-3662-19-сонли иш

* * *

8. Даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Даъвогар М. жавобгар Л.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда уй-жойнинг ўзига тегишли бўлган қисмининг бузиб ташланган қисми учун 39 297 768 сўм моддий зарарни ундириб беришни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2020 йил 12 июндаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туманлараро судининг 2020 йил 27 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, жавобгар Л.дан даъвогар М.нинг фойдасига бузилган уйнинг қиймати учун 39 297 768 сўм ундириш белгиланган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 6 октябрдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво-

ни рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, низоли уй-жойнинг (0012-литерли) равон, (0013-литерли) яшаш хонаси ва (0014-литерли) равон қисмлари 1981 йил 6 февралда нотариал тасдиқланган ҳада шартномасига асосан даъвогар М.га тегишли бўлган.

Тарафлар М. ва Л. эр-хотин бўлиб, низоли уй-жойнинг юқорида қайд этилган 0012, 0013 ва 0014-литери ҳамда 0001 ва 0005-литерли қисмлари апелляция инстанциясининг 2017 йил 28 ноябрдаги ажрими билан уларнинг умумий мулки деб топилган.

Ушбу суд ҳужжати билан кадастр ҳужжатларида низоли уй-жой 1965 йилда қурилганлиги аниқланган ва исботланган.

Даъвогар М. важларида низоли уй-жойнинг ҳада шартномасига кўра, ўзига тегишли бўлган қисмини жавобгар бузиб ташлаганлигини важ қилган.

Шунга кўра, М.нинг аризаси асосида ИИБда олиб борилган суриштирув ишлари давомида жавобгар Л. нинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги боис 2018 йил 13 сентябрдаги қарор билан жиноят иши кўзғатиш рад қилинган.

Фуқаролик кодексининг 175-моддасига кўра, мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасидадир.

Судлар уй-жой бузилиб кетилиши жавобгар Л.га алоқадор эмаслиги ИИБ қарори ва МФЙнинг 2020 йил 14 майдаги далолатномаси билан тасдиқланса-да, Фуқаролик процессуал кодексининг 72-моддасида белгиланган тараф сифатида даъвогарга юклатилган даъво талабининг исботлаш мажбуриятини жавобгарга юклаган ҳолда процессуал ҳуқуқ нормасини нотўғри талқин этиб, хатоликка йўл қўйган.

12-1175-20-сонли иш



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТОМОНИДАН 2020 ЙИЛНИНГ ТўРТИНЧИ ЧОРАГИДА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КўРИЛГАН ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

1. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМА- ЛАРИНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. Кассация шикоятни муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш учун белгиланган олти ойлик муддат қатъий бўлиб, ушбу муддат ўтказиб юборилганидан кейин берилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома рад этилиши, муддати ўтказиб берилган кассация шикоятини (протестини) қабул қилиш эса, Иқтисодий процессуал кодекси 291-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан рад этилиши лозим.

Кассация шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам бундай шикоятни (протестни) қабул қилиш шу асослар билан рад этилиши, агар кассация шикояти (протести) қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган ва у хатога йўл қўйилиб иш юритишга қабул қилинган бўлса, кассация шикояти бўйича иш юритиш Иқтисодий процессуал кодекси 296-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда тугатилиши керак.

Иш ҳужжатларига кўра, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан кўзғатилган жиноят иши доирасида Тошкент шаҳар, Миробод туманида рўйхатдан ўтган «Н» масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда жавобгар деб

юритилади) 2014 йил 1 январдан 2018 йил 31 декабргача амалга оширилган молиявий хўжалик фаолиятидаги даврда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ўз вақтида бюджетга тўланиши юзасидан жиноят иши бўйича ўтказилган ҳужжатли текширув натижасида аниқланишича, жавобгар томонидан 2014-2018 йиллар давомида жами 8 413 852,36 минг сўмлик савдо тушумлари банк муассасасига келиб тушмаганлиги, яъни савдо тушумлари яширилганлиги, сотилган товарлар учун харидорларга назорат-касса машинаси чеки ёки унга тенглаштирилган квитанциялар берилмаганлиги аниқланган.

2019 йил 13 августда давлат солиқ бошқармаси (бундан буён матнда ДСБ деб юритилади) томонидан солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш баённомаси тузилган ва шу куни солиққа оид қонунбузарликни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва жавобгарнинг манзилига почта алоқа воситаси орқали юборилган.

Жавобгар томонидан солиққа оид қонунбузарликни бартараф этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жарима ихтиёрий тўланмаганидан сўнг ДСБ судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан Солиқ кодекси 114-моддасининг иккинчи қисмига асосан 1 682 770 500 сўм миқдорда молиявий жарима қўллашни сўраган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 13 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан ДСБнинг аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент шаҳар иқтисодий суди кассация инстанциясининг 2020 йил 4 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ДСБнинг аризасини тўлиқ қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Ушбу қарордан норози бўлган жавобгар назорат шикоятни билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Фармони 3-бандининг учинчи хатбошисида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, инсоннинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этилиши белгиланганлигини кўрсатиб, суд қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини кучида қолдиришни сўраган.

Иқтисодий процессуал кодекси 285-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, кассация шикояти (протести) суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят

(протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Олий суд Пленумининг «Апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2019 йил 24 декабрдаги 26-сонли қарорининг 6-бандида Иқтисодий процессуал кодекси 285-моддасининг иккинчи қисмида кассация шикояти бериш муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш учун белгиланган олти ойлик муддат қатъий ҳисобланиши, ушбу муддат ўтказиб юборилганидан кейин берилган бундай муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома рад этилиши, муддати ўтказиб берилган кассация шикоятини (протестини) қабул қилиш эса, Иқтисодий процессуал кодекси 291-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан рад этилиши лозимлиги, кассация шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам бундай шикоятни (протестни) қабул қилиш шу асослар билан рад этилиши, агар кассация шикояти (протести) қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган ва у хатога йўл қўйилиб иш юритишга қабул қилинган бўлса, кассация шикояти бўйича иш юритиш Иқтисодий процессуал кодекси 296-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда тугатилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, ҳал қилув қарори 2019 йил 13 ноябрда қабул қилинган. Кассация шикояти эса, судга 2020 йил 8 июлда топширилган ва 2020 йил 17 июл-

даги суд ажрими билан иш юритишга қабул қилинган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 296-моддасига асосан кассация шикоят (протести) ушбу кодексга мувофиқ кассация тартибида шикоят қилинмайдиган (протест келтирилмайдиган) суд ҳужжати устидан берилган ва у кассация инстанцияси суди томонидан хатога йўл қўйилиб, иш юритишга қабул қилинган бўлса, кассация инстанцияси суди кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатади.

Ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти Иқтисодий процессуал кодексда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилганлиги, муддат ўтганлиги сабабли берилган шикоят қонунга мувофиқ шикоят (протест) келтирилиши мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган деб ҳисоблаш лозимлигини инобатга олиб, кассация инстанцияси суди Иқтисодий процессуал кодекси 296-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда кассация шикояти бўйича иш юритишни тугатиш лозим бўлган. Бироқ, кассация инстанцияси суди юқорида қайд этилган Пленум қарорида берилган тушунтиришни инобатга олмасдан, кассация шикоятини мазмунан кўриб, процессуал хатоликка йўл қўйган.

Қайд этилганларга асосан судлов ҳаётининг қарори билан назорат шикояти қисман қаноатлантирилиб, кассация инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, кассация шикояти бўйича иш юритиш тугатилган.

4-1001-1903/21103-сонли иш

* * *

2. Суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак, қайд этилган талабларга риоя этмаслик Иқтисо-

дий процессуал кодексининг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкин.

Суд томонидан Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки ва асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмас.

Фуқаро «Н» 2011 йил 25 майда Республика кўчмас мулк биржаси савдосида Қўқон шаҳар, Фوروبий кўчаси, 2-уйда жойлашган «А» масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 100 фоиз улушини 248 829 179 сўмга сотиб олиб, «С» хусусий корхонасини ташкил қилган. Хусусий корхона таъсисчи фуқаро «Н» томонидан ташкил этилиб, 2006 йил 17 мартда 1470-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, корхона Низом фонди 1 000 000 сўмни ташкил қилган.

2016 йил 29 июлда «С» хусусий корхонасининг корхонага тегишли бўлган, ҳозирда фойдаланилмай келинаётган ер майдони билан бошқа корхона таъсисчилигига кириш тўғрисидаги қарорида корхона балансида бўлган Қўқон шаҳар, Фوروبий кўчаси, 2-уйда жойлашган ярим тайёр маҳсулотлар цехи бино-иншоотларининг фойдаланилмай ётган қисми ҳисобидан 1,3 гектар ер майдонида жойлашган бино ва иншоотлар билан «ВГ» масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) таъсисчилари сафига 15 фоиз улуш билан кириши кўрсатилган. 2016 йил 5 август ва 2016 йил 20 сентябрда тарафлар ўртасида кўчмас мулкни улуш сифатида киритиш тўғрисида келишув битими тузилган.

2016 йил 25 августда, Қўқон шаҳар ҳокимлиги томонидан «С» хусусий корхонаси «Р» масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жамият деб юритила-

ди) сифатида қайта рўйхатдан ўтказилган. Жамиятнинг Низомига кўра, таъсисчилар А.У. – 28,56 фоиз, Ф.У. – 7,70 фоиз, фуқаро «Н» – 63,73 фоиз улушга эга бўлган.

Даъвогарлар «Р» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари А.У. ва Ф.У. (бундан буён матнда даъвогарлар деб юритилади) жавобгарлар жамият ва жавобгарга нисбатан судга мурожаат қилиб, 2016 йил 20 сентябрда тузилган келишув битимини ҳақиқий эмас, деб топиш ва ҳақиқий эмас, деб топиш оқибатларини қўллашни сўраган.

Вилоят иқтисодий судининг 2020 йил 5 июндаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2020 йил 28 июлдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш бўйича янги қарор қабул қилинган, даъво қисман қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида тузилган 2016 йил 20 сентябрдаги келишув битими ҳақиқий эмас, деб топилган. Даъвонинг битимни ҳақиқий эмас, деб топиш оқибатларини қўллаш талабини қаноатлантириш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида» 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги ҳулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослангандириб ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва у далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишлилиги, ишончлилиги ва етарлилиги ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 69-75-моддалари талабларини инобатга олган ҳолда асослангандирилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция судининг 2020 йил 5 июндаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво муддатини тиклаш талабини қаноатлантириш рад этилган. Даъво муддати қўлланилиб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2015 йил 19 июндаги 282-сонли қарори 8-бандида ФК 153-моддасининг иккинчи қисмига кўра, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг қарор чиқарилгунигача берган аризасига мувофиқ қўлланилиши, қонунда даъво муддатини қўллаш ҳақидаги ариза қандай шаклда берилиши кўрсатилмаганлиги сабабли, бундай ариза ҳам оғзаки билдирилиши, ҳам ёзма шаклда берилиши мумкинлигини инобатга олиш лозимлиги, аризанинг оғзаки билдирилганлиги, албатта, муҳокама қилиниши ва бу ҳақида суд мажлиси баённомасида кўрсатилиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, жавобгар томонидан судга тақдим қилинган эътирозномада ҳам, суд мажлиси баённомасида ҳам даъвогарларнинг даъво талабларига нисбатан даъво муддатини қўллаш тўғрисида ариза ёки илтимоснома тақдим қилинмаган бўлса-да, биринчи инстанция суди ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан ва муҳокама қилмасдан даъво муддатини қўллаб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида барвақт ҳулосага келган.

Бундан ташқари, даъвогарларнинг даъво предметини ўзгартириш (аниқлаштириш) тўғрисидаги аризасида 2016 йил 20 сентябрда масъулияти чекланган жамияти ва жавобгар ўртасида тузилган келишув битимини ҳақиқий эмас топиш, 2016 йил 20 сентябрда масъулияти чекланган жами-

яти ва жавобгар ўртасида тузилган келишув битимини ҳақиқий эмас, деб топиш оқибатларини қўллаб, тарафларни дастлабки ҳолатга келтиришни сўраган. Бироқ, ҳал қилув қарорида даъвогарларнинг айнан қайси даъво талаби рад этилганлиги аниқ кўрсатилмаган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан эса, даъвогарларнинг 2016 йил 20 сентябрда масъулияти чекланган жамияти ва жавобгар ўртасида тузилган келишув битими бўйича низолашиш даъво муддати узрли сабабга кўра, ўтказилган деб, даъво муддатини тиклаш талаби муҳокама қилинмаган. Бундан ташқари, апелляция инстанцияси суди даъвогарларнинг даъво талабини қисман қаноатлантиришда масъулияти чекланган жамиятининг Низоми Қўқон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона дарча маркази»дан 2016 йил 25 августда, жавобгарнинг Низоми Фарғона шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона дарча маркази»дан 2016 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилганлиги, иккита Низомда ҳам мазкур иш бўйича бўлган низоли объект, яъни Қўқон шаҳар, Форобий кўчаси, 2-уйда жойлашган бино-иншоотлар таъсисчининг улуши сифатида қандай тартибда киритилганлигига аниқлик киритилмаган.

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида Қўқон шаҳар, Форобий кўчаси, 2-уйда жойлашган низоли бино-иншоотларга нисбатан жавобгарга «Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида» ва «Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида» Қўқон шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан гувоҳномалар берилган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан низоли объект масъулияти чекланган жамияти ва жавобгарнинг Низомларида низоли объект таъсисчиларнинг улуши сифатида қандай тартибда давлат рўйха-

тидан ўтказилганлигига, низоли объектларга нисбатан жавобгарга Қўқон шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан гувоҳномалар қандай тартибда берилганлигига, низоли объектлар кимнинг балансида турганлигига аниқлик киритилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида» 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг 1-бандида қарорнинг одил судловнинг конституциявий асосларини амалга оширадиган ва Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинадиган ҳужжат сифатида қонуний ва асослантирилган бўлиши ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 18-боби талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этилиши шартлиги, суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик Иқтисодий процессуал кодексининг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иқтисодий процессуал кодекси 302-моддаси тўртинчи қисмининг 7-бандига кўра, билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилган ҳолатларни эътиборга олиб, судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор

қилиб, биринчи инстанция суди томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқлаш мақсадида ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

4-1502-1903/1439-сонли иш

* * *

II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

1. Солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади. Фақат солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қилдиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга.

«Б» масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) туман давлат солиқ инспекциясига (бундан буён матнда аризачи ёки ДСИ деб юритилади) тақдим этган ҳисоботлари асосида Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан ўтказилган камерал назорати бўйича жавобгар ягона солиқ тўловчиси ҳисобланиб, 2017-2018 йиллар иккинчи чорагида марказлашган маблағлар ҳисобига 331 447 050 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарганлиги, лекин қўшилган қиймат солиғи (бундан буён матнда аризачи ёки ҚҚС деб юритилади) ҳисобланмаганлиги ва тўланмаганлиги аниқланган. Жавобгар маҳаллий бюджетдан марказлашган маблағлар ҳисобига 2017-2018 йиллар ҳисоботларида 55 244 510 сўм ҚҚСни кўрсатмаганлиги сабабли, Солиқ кодексининг 349-моддасига асосан 55 244 510 сўм ҚҚС ҳисобланган.

ҚҚС бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосини тузатишлар киритиш ҳақида ДСИ томонидан жавобгарга талабнома юборилган. Жавобгар томонидан талабномада кўрсатилган талабларга эътироз билдирилганлиги сабабли, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 2017-2018 йиллар давомида марказлашган маблағлар ҳисобидан бажарилган 331 467 050 сўмлик қурилиш ва жорий таъмирлаш ишларидан 55 244 510 сўм қўшимча ҳисобланган ҚҚСни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 19 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан ДСИнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2019 йил 12 мартдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар 2017-2018 йиллар давомида жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун бир нечта юридик шахслар билан пудрат шартномаларини тузган ва 2017-2018 йилларда жорий таъмирлаш ишлари учун жами 331 467,05 минг сўм маблағи жавобгарнинг ҳисоб рақамига келиб тушган.

ДСИ ходимлари томонидан Солиқ кодексининг 70-моддаси талаблари асосида жавобгар томонидан 2017 йил якуни ва 2018 йилнинг 1, 2-чораги якуни бўйича тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларини, шунингдек унинг фаолияти тўғрисида ДСИдаги мавжуд бошқа ташқи манбадан олинган маълумотларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга оширилган камерал назорати жараёнида корхона (жавобгар) 2017-2018 йилларда марказлашган тартибда 331 467 050 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарганлиги, аммо корхона томонидан ҚҚС ҳисоботи тақдим қилинмаганлиги аниқланган ва шунинг учун ДСИ судга

даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 55 244 510 сўм қўшимча ҳисобланган ҚҚС суммасини ундиришни сўраган.

Иқтисодий процессуал кодекси 13-моддасининг биринчи қисмига биноан суд ишларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-417-сонли қонуни билан Солиқ кодекси 349-моддасининг тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган ва унга кўра, ўзига нисбатан солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун, агар ушбу кодекснинг 373-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қурилишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга ошириладиган объектлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолинади.

Солиқ кодексига киритилган ушбу ўзгартиришлар 2017 йилнинг 1 январидан кучга кирган. Яъни 2017 йил 1 январдан бошлаб ўзига нисбатан солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун қурилишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга ошириладиган объектлар бўйича ҚҚСни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолган.

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сонли қонуни билан Солиқ кодексининг 349-моддаси янги тахрирда баён қилинган ва ушбу модданинг тўртинчи хатбошисига кўра, ўзига нисбатан солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун, агар ушбу кодекснинг 373-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қурилишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган объектлар бўйича ҚҚСни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади.

Ушбу Қонун 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган. Яъни 2019 йил 1 январдан бошлаб ўзига нисбатан солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун қурилишни молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида ёки танлов савдоларисиз амалга оширилишидан қатъи назар, амалга ошириладиган объектлар бўйича ҚҚСни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолган.

Солиқ кодекси 3-моддасининг биринчи қисмига асосан солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу модданинг иккинчи хатбошисига кўра, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилга-

нидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Солиқ кодексининг 3-моддасида фақат солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эканлиги белгиланган.

Яъни, жавобгар томонидан ишлар бажарилган пайтда амалда бўлган Солиқ кодекси 349-моддасининг тўртинчи хатбошида солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда фақат танлов савдолари асосида амалга ошириладиган объектлар бўйича ҚҚСни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолган бўлган, жавобгар эса танлов савдоларисиз тузилган пудрат шартномалари асосида объектларда жорий таъмирлаш ишларини бажарган.

Бундан ташқари, туман ҳокимлиги молия бўлимининг 2020 йил 6 мартдаги 01/01-17/29-сонли хатида жавобгар томонидан туманда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари бўйича 2017 йил давомида умумий суммаси 55 060 000 сўмлик ҳамда 2018 йил давомида умумий суммаси 496 435 738 сўмлик ҚҚСсиз бажарилган жорий таъмирлаш ишлари Республика бюджети ёки марказлашган манбалар ҳисобидан амалга оширилмаганлиги, балки бюджет ташкилотлари ўзининг харажатлар сметасида кўзда тутилган параметрлари доирасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилганлиги кўрсатилган.

Бундан кўринадики, судлар иш юзасидан қарор қабул қилишда иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламаган, моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилиб, асоссиз қарор қабул қилинишига сабаб бўлган.

Бундай ҳолатда, судлов ҳайъатининг қарори билан назорат шикоят қаноатлантирилиб, иш юзасидан қабул қилган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилинган ва туман давлат солиқ инспекциясининг даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

4-2201-1801/4165-сонли иш

* * *

2. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи, товар етказиб берувчини хабардор қилган ҳолда, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этишига ҳақли. Товар етказиб берувчи билдириш хатини олгунча етказиб берилган товарларни сотиб олувчи қабул қилиши ва уларнинг ҳақини тўлаши, сотиб олувчи (олувчи) шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

«АБК» АЖ (бундан буён матнда АЖ ёки даъвогар деб юритилади) ва «Х» масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар ёки масъулияти чекланган жамияти деб юритилади) ўртасида пластикдан тайёрланган 200 мм, 600 мм ва 700 мм. диаметрли қувурлар етказиб бериш бўйича имзоланган шартномаларга кўра, масъулияти чекланган жамияти томонидан 221 169 АҚШ доллари миқдоридаги DN 200 мм. диаметрли, 891 250 АҚШ доллари миқдоридаги DN 700 мм. диаметрли ва 1 006 500 АҚШ доллари миқдоридаги DN 600 мм. диаметрли, жами 2 118 919 АҚШ доллари миқдоридаги шиша пластик қувурлар график асосида ишлаб чиқарилган.

Ўз навбатида, АЖ шартнома шартларига риоя этмай, масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган маҳ-

сулотни тўлиқ ҳажмда олиб кетмаганлиги натижасида 374 983,55 АҚШ доллари миқдоридида қарздорлик вужудга келган.

Ушбу тарафлар иштирокидаги 10-1721/5021-сонли иш бўйича Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 28 июлдаги қарорига асосан Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг масъулияти чекланган жамияти манфаатида берган даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, АЖдан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 374 983,55 АҚШ доллари миқдоридида асосий қарз ва 7 400 АҚШ доллари миқдоридида пеня (ундирув кунидаги Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича) ундирилган. АЖнинг қарши даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Мазкур иш бўйича суд қарорининг ижроси юзасидан Мажбурий ижро бюроси Бухоро шаҳар бўлими томонидан АЖдан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 374 983,55 АҚШ доллари миқдоридида асосий қарз ва 7 400 АҚШ доллари миқдоридида пеня ундирув кунидаги Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича, яъни 3 091 941 816,09 сўм маблағ даъвогар фойдасига ва 61 838 830,91 сўм ижро йиғими МИБ бўлими фойдасига, жами 3 153 780 647 сўм ундирилган.

Шундан сўнг АЖ 2017 йил 5 декабрда 5/1196-сонли талабнома билан масъулияти чекланган жамиятига мурожаат қилиб, шартномага асосан етказиб берилмаган қувур маҳсулотларини етказиб беришни сўраган.

Масъулияти чекланган жамияти томонидан 2017 йил 15 декабрда 344-сонли хат билан даъвогарнинг ушбу талабномаси бўйича қувур маҳсулотини етказиб бериш рад этилиб, суд қарорига асосан ундирилган сумма сотувчи томонидан шартнома шартларини бузганлиги учун мулкӣ жавобгарлик чораси эканлиги, қувур маҳсу-

лотини етказиб берилиши учун тўловни амалга ошириш лозимлиги билдирилган.

Шу сабабли, Савдо-саноат палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата деб юритилади) АЖ манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, масъулияти чекланган жамиятидан 3 153 780 647 сўм асосий қарз ва 628 112 518 сўм пеня ундиришни сўраган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2018 йил 20 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 628 112 518 сўм пеня ундирилган. Даъво талабларининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 6 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 3 апрелдаги қарори билан суд қарорларининг 628 112 518 сўм пеня ва суд харажатларини ундириш қисми бекор қилиниб, даъвонинг пеня ундириш талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2019 йил 25 декабрдаги РС-183-19-сонли қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ишни биринчи инстанция судида кўриш давомида АЖ томонидан даъво талаблари миқдорини кўпайтириш тўғрисида судга ариза тақдим қилиниб, унда даъво талабларидаги суммаларни миллий валюта сўмдан АҚШ долларида ҳисобланиб, жавобгардан 374 983,55 АҚШ доллари миқдоридида асосий қарз ва 74 996,71 АҚШ доллари миқдоридида пеня ундириш сўралган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 11 июндаги ҳал қилув қа-

рори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 374 983,55 АҚШ доллари миқдориди асосий қарз ва 15 000 АҚШ доллари миқдориди пеня ундирилган.

Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 6 августдаги қарори билан ҳал қилув қарорининг хулоса қисмидаги иккинчи хатбошиси «ундирув кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича» деган жумла билан тўлдирилган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида» 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантирилган ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва у далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишлилиги, ишончилиги ва етарлилик ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 69–75-моддалари талабларини инобатга олган ҳолда асослантирилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Фуқаролик кодексининг 236-моддасига асосан, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мазкур Кодекснинг 437-моддасига кўра, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқаради-

ган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Мазкур низо АЖ томонидан тайёр маҳсулот олиб кетилмаганлиги натижасида 10-1721/5021-сонли иқтисодий иш бўйича берилган ижро варақасига асосан Мажбурий ижро бюроси Бухоро шаҳар бўлими томонидан АЖдан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 374 983,55 АҚШ доллари миқдориди асосий қарз ва 7 400 АҚШ доллари миқдориди пеня ундирув кунидаги Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича, яъни 3 091 941 816,09 сўм пул маблағлари масъулияти чекланган жамияти фойдасига ундирилганлиги, шундан сўнг АЖнинг 2017 йил 5 декабрдаги шартномага асосан етказиб берилмаган қувур маҳсулотларини етказиб беришни сўраб, масъулияти чекланган жамиятига йўлланган талабномасига масъулияти чекланган жамияти 2017 йил 15 декабрдаги 344-сонли хати билан қувур маҳсулотини етказиб беришни рад этганлиги ҳамда масъулияти чекланган жамияти томонидан 2018 йил 29 октябрда шартномани бажаришдан бош тортиш ва уни бекор қилиш ҳақида хабарнома АЖга йўлланганлиги оқибатида юзага келган.

Ушбу Кодекснинг 444-моддасига кўра, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи, товар етказиб берувчини хабардор қилган ҳолда, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этишга ҳақли. Товар етказиб берувчи билдириш хатини олгунча етказиб берилган товарларни сотиб олувчи қабул қилиши ва уларнинг ҳақини тўлаши лозим.

Шартномаларга иловаларда маҳсулотнинг охириги партиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш муддати 2016 йилнинг апрель ойи деб белгиланган.

Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 10-1721/5021-сонли иш бўйича 2017 йил 28 июлдаги қарорида юқорида қайд этилган шартномалар бўйича масъулияти чекланган жамияти томонидан маҳсулот 2016 йилнинг июнь ойида тўлиқ ишлаб чиқарилганлиги ва АЖга маҳсулотни олиб кетиш тўғрисида талабномалар юборилганлиги қайд этилган.

Бироқ, АЖ томонидан масъулияти чекланган жамиятига етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этиши ҳақида хабар берилмаган. Фақатгина 2019 йил 6 майга келиб, масъулияти чекланган жамиятига мазкур қувурлар ишлатилиши мўлжалланган қурилиш объектида ишлар 2016 йилда якунланганлиги сабабли ушбу қувурларга эҳтиёж мавжуд эмаслиги ҳақида 5/294-сонли хат йўлланган.

Фуқаролик кодекси 446-моддасининг биринчи қисмида сотиб олувчи (олувчи) шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг қабул қилинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозимлиги белгиланган.

Судлар томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмасдан, моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилиб, АЖнинг асосий қарзни ундириш талабини қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келинган.

Ҳолбуки, Фуқаролик кодексининг 444-моддаси талаби ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг кўрсатмаларига асосан АЖ масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқариб бўлинган қувур маҳсулотларини қабул қилиши, суд эса, давонинг асосий қарз ундириш талабини мавжуд маҳсулот қийма-

тидан ташқари қисмини қаноатлантириши лозим эди.

Айнан шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2019 йил 25 декабрдаги РС-183-19-сонли қарорида ишни янгидан кўришда биринчи инстанция судига тайёрланган маҳсулотларнинг мавжудлиги ҳолатига аниқлик киритиш тўғрисида кўрсатма берилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан мазкур кўрсатмаларнинг ижроси амалда таъминланмаган. Яъни, масъулияти чекланган жамиятига қарашли омборхонада ўтказилган сайёр суд мажлисида диаметри 200 мм. ва 600 мм. бўлган қувурлар тўлиқ эмаслиги, мавжуд қувурларнинг кўп қисми яроқсиз ҳолатда эканлиги қайд этилиб, мавжуд қувурларнинг сони аниқланмаган. Қолаверса, суд маҳсулотнинг сифати бўйича хулоса қилишга ваколатли бўлмаса-да, қувурлар сифатсизлиги ёки яроқсизлиги бўйича мутахассис фикри бўлмаган ҳолда, маҳсулот сифатсизлиги тўғрисида хулоса қилган.

Судлов ҳайъатининг топшириғи юзасидан АЖ вакиллари масъулияти чекланган жамиятининг ҳудудига келишмаганлиги сабабли маҳсулот қолдиғи бўйича масъулияти чекланган жамияти ва ҳолис ташкилот «ITG» масъулияти чекланган жамияти иштирокида далолатнома расмийлаштирилган. Унда маҳсулот қисман мавжудлиги, яъни диаметри 200 мм. бўлган 268 п/м, 600 мм. бўлган 776 п/м ва диаметри 700 мм. бўлган 1366 п/м қувурлар мавжудлиги ва унинг сифати шартномаларда қайд этилган стандартларга мос келиши қайд этилган.

Судлов ҳайъати масъулияти чекланган жамиятининг АЖ маҳсулотни ўз вақтида олиб кетмаганлиги сабабли масъулияти чекланган жамияти шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақлилиги, бундай ҳолатда шартномани

бекор қилинган деб ҳисобланиши ҳақидаги важлари билан қуйидагиларга кўра келишмаган.

Фуқаролик кодекси 455-моддасининг биринчи қисмига кўра, маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама (тўлиқ ёки қисман) бош тортишга тарафларнинг бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл қўйилади.

Мазкур модданинг учинчи қисмида сотиб олувчи товарлар ҳақини тўлаш муддатларини бир неча бор бузиши ёки товарларни бир неча бор олиб кетмаганлиги унинг маҳсулот етказиб бериш шартномасини жиддий бузиши деб ҳисобланиши мумкинлиги қайд этилган.

Ушбу Кодекс 448-моддасининг иккинчи қисмида сотиб олувчи (олувчи)нинг товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатда, бундай муддат белгиланмаган бўлса, товарларнинг тайёрлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчининг билдириш хатини олганидан сўнг оқилона муддатда танлаб олмаслиги маҳсулот етказиб берувчига шартномани бажаришдан бош тортиш ёки сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини бериши белгиланган.

Ушбу модда талабидан келиб чиқиб, АЖ томонидан товар танлаб олинмаганда масъулияти чекланган жамияти шартномани бажаришдан бош тортишга ёки АЖдан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилишга, яъни бузилган ҳуқуқини тиклаш учун мазкур иккита усулдан бирини талаб қилишга ҳақлидир.

Мазкур низо юзага келгунга қадар АЖ томонидан маҳсулотни олиб кетиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятлари бузилганлиги ҳолатлари 10-1721/5021-сонли иш бўйича суд қарори билан аниқланган. Бунда масъулияти чекланган жамият Фуқаролик кодекси

448-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган АЖдан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқидан фойдаланган ва суд қарорига асосан танлаб олинмаган товар ҳақи масъулияти чекланган жамиятига суд ҳужжатининг мажбурий ижро этиш жараёнида АЖдан тўлиқ ундириб берилган.

Бундай ҳолатда масъулияти чекланган жамияти Фуқаролик кодекси 448-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган бузилган ҳуқуқини тиклаш учун шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қолаверса, шартноманинг 11.5-бандида шартноманинг амал қилиши тарафлар томонидан барча мажбуриятлари бажарилгандан сўнг тугаган деб ҳисобланиши белгиланган.

Судлар Мажбурий ижро бюроси Бухоро шаҳар бўлими томонидан АЖдан масъулияти чекланган жамияти фойдасига 3 091 941 816,09 сўм маблағ ундирилгандан сўнг АЖнинг 2017 йил 5 декабрдаги етказиб берилмаган қувур маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги талабномасига масъулияти чекланган жамияти томонидан 2017 йил 15 декабрда қувур маҳсулотини етказиб бериш рад этилганлигига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Масъулияти чекланган жамиятининг ушбу ҳаракати ҳақи тўланган ва ўзида сақланаётган маҳсулотни АЖга беришдан бош тортиши деб баҳоланилади.

Баён қилинганларга асосан, судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантиришни, иш юзасидан қабул қилинган Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 11 июндаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар иқтисодий суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 6 августдаги қарорини бекор қилишни, даъво талабларини қисман қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

4-1001-1817/27951-сонли иш



СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Суд тизимида коррупция омилларининг мавжудлиги, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича етарли ташкилий ва ҳуқуқий асосларнинг яратилмаганлиги суд органлари ва судьялар мустақиллигига салбий таъсир кўрсатади, одил судловни амалга оширишда ички ва ташқи аралашувларга замин яратади, нопок ва номуносиб судьялар корпуסי шаклланишига сабаб бўлади.

Суд тизимидаги коррупция судьянинг шахсий манфаатдорликни кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида ўз ваколатларини суиистеъмол қилишидир. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар асосан манфаатлар тўқнашуви оқибатида содир этилади. Манфаатлар тўқнашувининг мажбурий белгиларига судьянинг муайян вазиятда ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиши, бунинг учун моддий ёки номоддий манфаат олганлиги ёки олиши мумкинлиги ҳамда улар ўртасидаги сабабий боғланиш киради. Шунга кўра, манфаатлар тўқнашувида судьяда ноҳолис қарор чиқариш ва қонуний ҳаракат қилиш ўртасида танлаш имконияти бўлади. Ушбу имкониятнинг қай бирини танлаш эса, судьянинг ахлоқий фазилатларига бевосита боғлиқ бўлади, зеро ахлоқи ва ҳуқуқий маданияти юқори бўлган судьяларнинг қонуний ва беғараз қарор қабул қилиш имконияти юқори бўлади.

Табиийки, шахсий манфаатдорликнинг ўзи ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди, судья уни амалда қўллаши билан ишни кўришда

ҳолислик йўқолади ва тегишли жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш коррупцион ҳаракатларнинг содир этилишини олдини олувчи ишончли восита ҳисобланади. Зеро, маънан етук бўлмаган ёки ахлоқи бузук судьяларда манфаатлар тўқнашуви жараёнида шахсий манфаатни судьялик қасамёдидан устун қўйиш, ваколатларини суиистеъмол қилиш учун етарли имконият мавжуд бўлади.

Е. Казакованинг фикрига кўра, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция бир хил тушунчалар эмас. Айрим ҳолларда коррупцияга йўл қўйилмаган ҳолда ҳам манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиши мумкин ва бунинг акси. Масалан, қарор қабул қилиш жараёнида шахсий манфаатдорлиги бўлган давлат хизматчиси адолатли ва қонун доирасида ҳаракат қилиши мумкин. Ва бунда коррупция аломатлари мавжуд эмас. Бошқа давлат хизматчиси эса манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлмаган, ҳар қандай ҳолатда шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлган ҳолларда ҳам пора олиши мумкин¹.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди «алоҳида олинган судьяда алоҳида олинган ишга нисбатан шахсий ишончларни белгилашдан иборат субъектив ёндашув ва судья томонидан бу борада ҳар қандай асосланган гумонларни истисно қилиш учун етарли бўлишидан ташкил топган объектив ёндашув» ўртасидаги фарқни ажратиб кўр-

сатади. Ушбу концепцияларга кўра, ишни кўриб чиқиш нафақат судья ноҳолис бўлган тақдирда, балки у шундай қабул қилинганда ҳам адолатсиз бўлади².

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Судьялар одоб-ахлоқ кодексининг 6-моддасида судья ишни холис кўриш мақсадида ўзининг касбий мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай афзалликлар, асоссиз ишонч ва тахминлардан холи бўлиши, ўзининг холислигига ҳар қандай шубҳаларни бартараф этишга ҳаракат қилиши лозимлиги, судьянинг қонунда назарда тутилган асосларда ўзини ўзи рад этиши унинг холислиги ва беғаразлигини таъминловчи муҳим омил эканлиги қайд этилган³.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш коррупциявий омилларни аниқлаш, унга чек қўйиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Б. Исроилов ва Э. Гадоевнинг фикрича, коррупциявий омиллар жамиятдаги коррупцион ҳатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлиши, сақланиши, ўзгариши ва тарқалишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлардир⁴.

Суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни ички ва ташқи турларга бўлиш мумкин. Бунда асосий мезон сифатида ушбу омилларни келтириб чиқарувчи субъектлар (шу жумладан, уларнинг ваколатлари) ва суд органлари мустақиллигига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар эътиборга олинади.

Ички коррупциявий омиллар деганда, судларни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш, судьялар мустақиллигини ва одил судловни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича суд раислари, судьялар ва судьялар ҳамжамияти органларининг суиистеъмолликлари, ноҳолис ёндашувлари, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, порахўрлик каби ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракатларнинг вужудга келишига замин яратувчи ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа характердаги ҳолатлар тушунилади.

Ташқи коррупциявий омилларга эса, давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан одил судловни амалга оширишга аралашиб, унга тўсқинлик қилиш, суд ҳокимияти мустақиллигига тажовуз қилишга қаратилган қонунга хилоф ҳаракатларни амалга оширишга имконият туғдирувчи ҳолатларни киритиш мумкин.

Коррупцияга чек қўйиш мавжуд коррупция омиллари ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни йўқотиш, уларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, такрор содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда салбий оқибатлари билан курашишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар мажмуидир.

Суд тизимида коррупцияга чек қўйиш чора-тадбирларига қуйидагиларни киритиш мумкин: суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи махсус ваколатли орган фаолиятини йўлга қўйиш, тизимли ички назоратни амалга ошириш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, коррупциоген нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш, бундай нормаларни судлар томонидан қўллаш бўйича доимий равишда таҳлиллар ўтказиш, жиноят ҳақида хабар берган судьяни ҳимоя қилиш, коррупциявий ҳолатлар ҳақида судья ва суд ходимларининг мажбурий тартибда хабар беришини белгилаш, судьяларнинг фаолиятини баҳолаш (бунда уларнинг рейтинг кўрсаткичлари билан бир қаторда ҳамкасблари ва жамоатчилик фикрини ҳам ўрганиш), судьяларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш (судья томонидан қонун нормаларининг асоссиз қўлланилган ёки қўлланилмаганлигини муҳокама қилиб бориш), судьялар томонидан юқори инстанция судининг қарорига нисбатан тақдимнома киритиш, суд ишларини тизимли умумлаштириб бориш ва натижаси бўйича суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўриш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш жараёнига кенг жамоатчиликни жалб қилиш, ижтимоий ва махсус сўровлар ўтказиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд тизимида коррупцияга чек қўйиш бўйича чора-тадбирларни ҳуқуқий ва ташкилий турларга ажратиш мумкин.

Коррупциянинг олдини олиш деганда, коррупция омилларини аниқлаш, чеклаш ёки бартараф этиш, коррупционерлар шахсияти ижтимоий хавфи, шунингдек коррупциянинг айрим турлари ва шакллари пайдо бўлиш ҳамда тарқалиш омилларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади⁵.

Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларга судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини қабул қилиш, юқори маънавиятли ва ҳалол судьяларни тайинлаш (меҳнат фаолияти ва кундалик ҳаётини синчиклаб ўрганиш, психолог суҳбати ва полиграфологик текширув ташкил этиш), судлар фаолияти ва одил судловни амалга оширишни тўлиқ рақамлаштириш, судья ва суд ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари билан профилактик суҳбатлар ўтказиб бориш, меҳнат ва ижро интизомига қатъий риоя қилишни назорат қилиш, фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш, судьяларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳимоясини кучайтириш, судлар фаолиятини тўғри ташкил этиш (зарур штатлар бериш, суд ходимлари билан таъминлаш, транспорт ва моддий-техник жиҳатдан тўлиқ таъминлаш, бошқа мақсадлар учун судьяларни ишга жалб этиш ва судьялардан пул йиғишга чек қўйиш) киради.

Коррупцияга қарши курашиш мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалда таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга оширилади. Бунда асосий эътибор махсус ваколатли давлат органларининг мазкур йўналишдаги фаолиятига ҳамда унинг натижаларига қаратилади. Шунга кўра, суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат орга-

ни – Судьялар олий кенгаши тузилмасида Коррупцияга қарши курашиш ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекциясининг ташкил этилгани суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни доимий равишда тизимли амалга ошириш, ушбу соҳадаги профессионал фаолиятни яқин, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

Шунингдек, суд тизимида коррупцияга қарши курашишда самарага эришиш учун мавжуд қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиб, коррупциоген характердаги нормаларни бартараф этиш, тўғридан-тўғри ишловчи қонунларни қабул қилиш, мавжудларини такомиллаштириш зарур. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, Кенгаш судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади. Бироқ, судьяларни давлат мукофотларига тавсия этиш бўйича мезонлар ва тартиб мавжуд эмаслиги мазкур йўналишда коррупция ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, «Судлар тўғрисида»ги Қонунда судьяларни давлат мукофоти билан тақдирлаш мезонлари ва уни амалга ошириш тартибини белгилаш лозим бўлади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ судьяларни маъмурий жавобгарликка тортиш Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси асосида Судьяларнинг олий малака ҳайъати томонидан, судьяни жиноий жавобгарликка тортиш ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш эса, Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси асосида Олий суд Пленумининг розилиги асосида ҳал этилади⁶. «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига кўра, Олий суд раиси Олий суд Пленумининг мажлисларида раислик қилиши эътиборга олинса, судьянинг жиноий жа-

вобгарликка тортилиши унинг қарорига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, судьянинг Олий суд раҳбарияти ва Пленум аъзолари бўлмиш Олий суд судьяларига тобелигини келтириб чиқариши мумкин. Ваҳоланки, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларга нисбатан қабул қилинадиган ҳар қандай мажбурлов чоралари ҳолис ва мустақил судьялар ҳамжамияти органи томонидан амалга оширилиши лозим. Хусусан, Қозоғистон Республикасининг «Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига кўра, Кенгаш судьяни ушлаб туриш, камоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш, уй қамоғи, судьяни мажбурий келтириш ҳамда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун Қозоғистон Республикаси Президентига хулоса киритади⁷.

Юқоридагиларга кўра, Олий суд Пленумининг мазкур ваколатини қонунчиликдан чиқариш ҳамда судьяни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш ёки камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш фақат Судьялар олий кенгаши томонидан ҳал қилинишини белгилаш лозим бўлади.

Одил судловни амалга оширишга аралашшиш ва унга тўсқинлик қилиш, судьяларга нисбатан ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш каби ҳаракатларга нисбатан қонунда қатъий жазо чораларини белгилаш суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарали усулларида ҳисобланади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 25-моддасида иштирокчи-давлатлар одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилишни назарда тутувчи ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни белгилаш бўйича чоралар кўриши қайд этилган⁸.

Шу нуқтаи назардан, судлар ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятига аралашганлик, судга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик, судья ва халқ маслаҳатчисининг дахлсизлигини бузганлик, ишнинг ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиқирилишига тўсқинлик қилганлик ёки турли шаклда

таъсир ўтказганлик учун тегишли юридик жавобгарликни белгиловчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш давр талаби ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда молиявий ҳисобдорлик муҳим роль ўйнайди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 8-моддасида ҳар бир иштирокчи-давлат оммавий мансабдор шахсларнинг тегишли органларга хизматдан ташқари фаолияти, машғулоти, инвестициялари, активлари ва вазифалари билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа даромадлари ва ҳадялар ҳақида декларация тақдим этишлари шартлигини белгиловчи тартибни жорий қилиши белгиланган.

Ўзбекистон қонунчилигида судьялар ва суд ходимларининг молиявий ҳисобдорлиги масаласи назарда тутилмаган бўлса-да, Судьялар одоб-ахлоқ кодексининг 13-моддасида судья ўзи, турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандлари олаётган даромадлари ҳамда уларнинг манбалари тўғрисидаги, мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқ асосида эгалигида бўлган мол-мулки, шунингдек мулкий хусусиятга эга мажбуриятлари ҳақидаги ахборотдан хабардор бўлиши ҳамда бу ҳақдаги ахборотни Олий судга тақдим этиши шартлиги белгиланган⁹.

Бирок, мазкур талабни амалга ошириш механизми, яъни тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш имкониятининг чекланганлиги, Суд инспекцияси бу борада етарли ваколатларга эга эмаслиги ушбу тартибни самарасизлигидан далолат беради.

Нидерландия, Хитой, Сингапур каби давлатлар тажрибасини эътиборга олган ҳолда судьялар томонидан ўзи, турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг мол-мулки ва мулкий мажбуриятлари ҳақида декларация тўлдириш ва уни махсус ваколатли органларга ҳар йили тақдим этиб бориш амалиётини йўлга қўйиш, судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш, судьяни навбатдаги муддатга ёки раҳ-

барлик лавозимида тавсия қилишда унинг мулкый аҳволини тақдим этган декларациялари асосида текшириб, таҳлил қилиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, БМТ Коррупцияга қарши конвенциясининг 20-моддасига мувофиқ, ҳар бир иштирокчи давлат оммавий мансабдор шахсининг қасддан ноқонуний бойлик орттириши, яъни унинг қонуний даромадларидан ортиқча бўлган, уларнинг манбаини асослаб бериш имконияти мавжуд бўлмаган тарзда активларининг ортиши жиноят деб эътироф этилиши ва жиноий жазога сазовор бўлиши бўйича чораларни кўриши белгиланган¹⁰.

Ушбу чоралар мансабдор шахслар ўртасида коррупцияга чек қўйиш, унинг олдини олиш, коррупцияга қўл урган шахсни жиноят устида ушлаш имкони бўлмаган ҳолларда уни аниқлаш ва жазолаш учун энг мақбул воситалардан бири ҳисобланади.

Судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш суд тизимида коррупцияга қарши самарали курашиш ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни бартаф қилишда муҳим роль ўйнайди. Бунда одил судловни амалга ошириш, судьялар корпусини шакллантириш, судлар фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш, судларни молиялаштириш, судьялар фаолиятини баҳолаш, уларни бошқа судьялик ёки раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш, уларни юридик жавобгарликка тортиш, рағбатлантириш ва бошқа масалаларни ҳал қилиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали шаффофликка эришиш, ушбу жараёнларнинг ҳолислиги ва очиқлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институти вакиллари кенг жалб қилиш, жамоатчилик назорати институти имкониятларидан фойдаланиш талаб этилади.

БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг фикрича, судьяларни танлаш тартибини соддалаштирган ҳолда муносиб номзодларни доимий равишда

танлов ўтказиш натижалари асосида танлаш ва танлов натижаларида олинган рейтинг кўрсаткичлари бўйича лавозимларга тайинлаш тартибини жорий қилиш лозим. Танлов имтиҳонлари қисман ёзма шаклда ва аноним тарзда ўтказилиши танлаш босқичида муҳим элементлардан ҳисобланади. Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларгагина мажбурий тайёргарликдан ўтиш ва судда стажировка қилиш ҳуқуқи берилиши мумкин¹¹.

Коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усулларида яна бири - аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришдир. Бунда ёш авлоднинг таълим ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, улар онгига ҳалоллик ва поклик хислатларини сингдириш, коррупция иллатларининг салбий оқибатлари ҳақида аниқ тушунтиришлар бериш, бир сўз билан айтганда, уларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишини таъминлаш ўта муҳим вазифалардан биридир.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

а) суд тизимида коррупцияга қарши курашиш стратегиясини қабул қилиш ҳамда уни самарали ва тизимли амалга оширишни назарда тутувчи қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

б) суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи ваколатли орган сифатида Судьялар олий кенгашини белгилаш ва унинг таркибидаги Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясининг фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида жойлардаги барча судьяларнинг малака ҳайъатлари котибларини ушбу тузилмага бириктириш.

Шу муносабат билан «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» 2008 йил

7 июлдаги Қонуннинг 1-бандига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа иштирокчи-давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар рўйхатига Судьялар олий кенгашини киритиш;

в) БМТнинг Коррупцияга қарши конвен-

цияси Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилингани муносабати билан унда белгиланган вазифаларни Ўзбекистон томонидан бажарилишини таъминлаш, жумладан, судьялар ва улар оила аъзоларининг мол-мулки ва даромадлари, шунингдек мулкий мажбуриятлари ҳақида солиқ

АННОТАЦИЯ

Мақолада суд тизимида мавжуд бўлган коррупциявий ҳолатларнинг судьялар мустақиллигига салбий таъсири, суд тизимидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг турлари, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, коррупцияга қарши курашишнинг самарали чоралари, коррупцияга қарши курашишда судьяларнинг ҳисобдорлиги, судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлашнинг аҳамияти масалалари ёритилган, бу соҳага оид халқаро ва хорижий ҳуқуқ нормалари ҳамда миллий қонунчиликнинг илмий-назарий таҳлиллари келтирилган. Таҳлил ва тадқиқотлар натижаларига кўра, миллий қонунчиликка ижобий тажрибани жорий этиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: суд тизимидаги коррупция, суд тизимидаги коррупциявий омиллар, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар, судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги, судьялар ҳисобдорлиги.

* * *

В статье рассмотрены негативное влияние коррупции в судебной системе на независимость судей, факторы, вызывающие коррупцию в судебной системе, их виды, организационно-правовые вопросы противодействия и предупреждения коррупции, эффективные меры по борьбе с коррупцией в соответствии со спецификой судебной деятельности, отчетность судей в борьбе с коррупцией, актуальность обеспечения открытости и прозрачности судебной деятельности, проведен научно-теоретический анализ норм международного и зарубежного права, а также национального законодательства в данной области. По результатам анализа и исследований были внесены предложения и рекомендации по внедрению положительного опыта и совершенствования национального законодательства.

Ключевые слова: коррупция в судебной системе, факторы коррупции в судебной системе, меры по предотвращению и борьбе с коррупцией в судебной системе, открытость и прозрачность судебной системы, отчетность судей.

* * *

The article examines the negative effect of corruption to the independence of judges and judicial system; factors, causing judiciary corruption; their types; organizational and legal aspects of combating and prevention of corruption; Anti-corruption measures, specifically deriving in accordance with peculiarities of the judicial system; reporting of judges; the raising needs in ensuring the transparency and openness of judicial activities; related international and foreign legislative laws; followed by analyzing the scientific and theoretical aspects of national legislation regulating the issue. Based on the results of analysis and research, the recommendations and proposals will be formulated with the aim of implementation of positive experience to the national legislation.

Key words: corruption in the judicial system, factors of corruption in the judicial system, measures to prevent and combat corruption in the judicial system, openness and transparency of the judicial system, reporting of judges.

органларига ҳар йили декларация тақдим этиш тартибини жорий этиш, судьяларнинг коррупция ҳолатлари тўғрисида мажбурий равишда хабар бериш мажбуриятини қонунда белгилаш, коррупцияга йўл қўйган мансабдор шахсларни жазолашнинг самарали механизмларини жорий қилиш, судларга ҳурматсизлик қилганлик ёки одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилганлик учун юридик жавобгарликни белгилаш;

г) судьялик лавозимига номзодларни танлаш, тайинлаш, амалдаги судьяларни навбатдаги муддатга ёки бошқа судьялик лавозимига тайинлаш (сайлаш) жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш. Бунда судьяларни фақат бир марта муайян муддатга тайинлаш, ушбу даврда фаолияти ижобий баҳоланган судьяни муддатсиз даврга фақат Судьялар олий кенгаши томонидан суҳбат асосида қўшимча имтиҳонлар ўтказмаган ҳолда тайинлаш, юқори инстанция судлари судьялари, суд раислари ва улар ўринбосарлари лавозимларига танлов ўтказиш тартибини жорий қилиш;

д) Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси талабларига қатъий риоя қилишларини таъминлаш мақсадида судья, суд ходимлари ва уларнинг яқин қариндошла-

ри ўртасида мунтазам равишда амалий машғулотлар ва профилактик суҳбатлар ўтказилишини жорий қилиш, уларнинг учинчи шахслардан совғалар олишлари борасида чекловларни ўрнатиш;

е) коррупцияга қарши курашиш, шу жумладан, қонун ҳужжатларини тўғри қўллаш масалалари бўйича судьяларнинг бир йилда камида бир марта Судьялар олий мактабида малакасини ошириш тартибини белгилаш;

ж) судьялар, суд ходимлари, адвокатлар, корхона ва ташкилотлар юристлари, шунингдек аҳоли ўртасида коррупцияга қарши курашиш, унга муросасиз муносабатда бўлишни шакллантириш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғибот қилиш, ўрта, ўрта-махсус, олий ва олий таълимдан кейинги таълим муассасаларида махсус коррупцияга қарши кураш ўқув курсларини жорий қилиш, ушбу жараёнга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш.

Д. АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби директори
маслаҳатчиси, ю.ф.н., доцент

¹ Казакова Е.В. Противодействие коррупции в судебной системе в условиях процессуального реформирования. Ж.: «Администратор суда», -№2, - 2020. – С.48-52.

² Халқаро юристлар комиссияси. Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги, жавобгарлигига доир халқаро тамойиллар. 1-сонли амалий қўлланма. www.icj.org/wp-content/uploads/2017/01/Uzbekistan-PGN°1-Publications-Practitioners-Guide-Series-2017-UZB.pdf.

³ Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. – Т.: «Адолат», 2018. – 112-б.

⁴ Б.И.Исроилов, Э.Ф.Гадоев. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. – Тошкент: «Тафаккур» нашриёти, 2019. – 186-б.

⁵ Б.И.Исроилов, Э.Ф.Гадоев. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. – Тошкент: «Тафаккур» нашриёти, 2019. – 186-б.

⁶ Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомнинг 10-моддаси.

⁷ https://online.zakon.kz/document/?doc_id=34433079#pos=77;-28.

⁸ <https://lex.uz/docs/1461327>.

⁹ Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. – Т.: «Адолат», 2018. – 112-б.

¹⁰ <https://lex.uz/docs/1461327>.

¹¹ <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА СУД МУҲОКАМАСИГА ҚАДАР ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИ ВА ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки таъминланиши орқали унинг ваколатлари амалга оширилади ва бу прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда суд муҳокамасигача бўлган босқичда прокурор:

- жиноят ишини суддан чақириб олиш;
- ишда иштирок этиш учун жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиш;
- жиноят иши бўйича дастлабки эшитув босқичида иштирок этиш ваколатларига эга.

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига кўра, айблов ҳулосасини, айблов далолатномасини, ярашув ёки амнистия ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурор ёки юқори турувчи прокурор жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунига қадар ишни суддан чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Судлар томонидан юритилган ҳисоботларга кўра, 2015 йилда 481 нафар шахсга нисбатан 325 та, 2016 йилда 562 нафар шахсга нисбатан 361 та, 2017 йилда 627 нафар шахсга нисбатан 433 та, 2018 йилда 132 нафар шахсга нисбатан 95 та жиноят иши прокурорлар томонидан чақириб олинган¹.

Мазкур рақамлар прокурорлар ваколатидан фойдаланаётганликларини кўрсатмоқда. Бирок, улар қандай ва қайси асосларга кўра мазкур ваколатларни амалга оширмоқда?

Қонунда белгиланган қонун билан тартибга солиниши лозим бўлса-да, Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)да прокурор ёки юқори турувчи прокурор томонидан жиноят иши судда кўриш учун тайинлангунига қадар уни чақириб олиш ҳақидаги норма ва тегишли механизм ҳанузгача белгиланмаган.

Ваҳоланки, ўрганишлар давомида прокурор-терговчилар ўртасида мазкур масала юзасидан ўтказилган ижтимоий сўровларда 84 фоиз сўралганлар ушбу қонунчиликка қиритиш лозимлигини маълум қилган².

Бундан ташқари, судда иштирок этаётган прокурорнинг ўз ваколатларини сифатли амалга ошириши, аввало, иштирок этаётган прокурорнинг жиноят иши ҳужжатлари билан тўлиқ ва сифатли танишганлигига ҳамда унинг билими ва тажрибасига боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан, суд мажлисига тайёргарлик кўриш босқичига ўтишдан аввал судда иштирок этиши лозим бўлган прокурорни тўғри танлаш ва тайинлаш ўта муҳим ҳисобланади.

Амалиётда биринчи инстанция судларида туман (шаҳар) прокурорлари, уларнинг ўринбосарлари, прокурор ёрдамчилари, прокурорнинг топшириғига кўра прокуратуранинг терговчилари, юқори турувчи прокурорлар ва юқори турувчи прокурорнинг топшириғига кўра ишда «прокурор» сифатида қатнашадиган прокуратуранинг бошқа барча ходимлари қатнашади³.

ЖПКда туман (шаҳар) ҳудуди кесимида биринчи инстанция судлари прокурор ваколатини таъминлашда айнан қайси прокуратура ходими иштирок этиши ҳусусида норма мавжуд эмас. Ушбу масала Бош прокурорнинг соҳавий буйруғи билан тартибга солинган.

Унга кўра, жиноят ишлари бўйича (туман, шаҳар) судлари томонидан бошқа ҳудудда ишларнинг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш, қоида тариқасида, иш кўрилатётган ҳудуд – туман (шаҳар) прокурори томонидан амалга оширилади. Транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар ҳамда ҳарбий прокуратуралар томонидан судга юборилган жиноят ишлари ва материалларнинг туман (шаҳар) судларида кўрилишида

прокурор иштироки транспорт ва ихтисослаштирилган ҳамда ҳарбий прокуратуралар ходимлари томонидан таъминланиши қайд этилган⁴.

Бироқ, биринчи инстанцияда жиноят ишларини нафақат туман (шаҳар) суди, балки вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳам ЖПКда белгиланган асосларда кўради.

ЖПКнинг 497¹⁶, 509⁶-моддаларида эса, жиноят ишининг апелляция ва кассация тартибида кўрилишида тегишли прокурорлар томонидан ваколат берилган прокурорлар иштирок этиши қайд этилган.

Фикримизча, ЖПКга жиноят ишининг биринчи инстанция суди томонидан кўрилишида субъект сифатида айнан қайси прокурорнинг иштироки таъминланиши хусусида норма киритилиши лозим.

Прокурор ишда иштирок этиш учун жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиш ваколатига эга. Жиноят ишлари бўйича прокурор ваколатининг сифатли таъминланишида, унинг суд мажлисида иштирок этиш учун тайёргарлик даражаси катта аҳамиятга эга. Тайёргарлик кўриш эса, жиноят иши ҳужжатларини қонунларга асосланган ҳолда ўрганишида намоён бўлади.

Профессор Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, прокурор айнан суд муҳокамасида қатнашишга тайёргарлик кўриш босқичида иш учун аҳамиятли ахборотларни олиши, уларнинг маъносини тушуниб етиши ва таҳлил қилиши ҳамда шу ҳаракатлар асосида суддаги ўз иштирокининг стратегияси ва тактикасини (йўналиш ва услубиятини) ишлаб чиқиши лозим⁵. Жиноят иши ҳужжатларидан яхши хабардор бўлган ва суд муҳокамасига пухта тайёргарлик кўрган прокуроргина суд процессида юзага келадиган барча муаммоларни ҳал эта олади⁶.

Е.Павловнинг таъкидлашича, суд муҳокамасида иштирок этишга тайёргарлик кўриш судда давлат айбловини таъминлаш методологиясининг асосий элементларидан биридир. Прокурор – давлат айбловчисининг процессуал фаолиятининг ушбу босқичи аҳамиятини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Суд жараёни бошлангунга қадар прокурор жиноят иши ҳужжатларини тўлик

ва ҳар томонлама ўрганиши ҳамда таҳлил қилиши суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли қабул қилишига кўмаклашади⁷.

О.М.Мадалиевнинг таъкидлашича, иш материалларини яхши ўрганмаслик давлат айбловини қувватлаш сифатини пасайтириб юборади, бу эса ўз ўрнида суд процесси якунига салбий таъсир кўрсатади⁸.

Н. В. Булановнинг фикрича, жиноят иши бўйича давлат айбловини қувватлаш ваколати топширилган прокурор суд муҳокамасига тайёргарлик кўришга мажбур⁹. В.А.Лазарева¹⁰ ҳам шундай фикр билдирган.

Л. Курочкина қайд этганидек, давлат айбловчиси судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш ҳақида топшириқ олган пайдан бошлаб, у суд мажлисига тайёргарлик кўра бошлаши, бунинг учун у мавжуд далиллар йиғиндисини холисона баҳолаши, ўз тактик ҳаракатларини ишлаб чиқиши, зарур ҳолларда тайёргарлик кўриш ва ўз позициясини асослаш учун суддан вақт беришни сўраши лозим¹¹.

Жиноят иши ҳужжатларини ўрганиш келгусида прокурорга исботлаш жараёнида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда фаол иштирок этиш имконини беради.

Судларда кўриладиган жиноят ишлари бўйича прокурор суд мажлисида иштирок этишга тайёргарлик кўриш учун жиноят содир этган шахсининг айби терговда тўпланган, текширилган ва баҳоланган далиллар билан тасдиқланганлигини таҳлил қилиши, суд мажлисининг турли босқичларида қандай тактиканинг самарали бўлишини ҳал қилиши керак. Жиноят иши бўйича судда қандай вазият юз бериши мумкинлигини олдиндан билиш жуда муҳимдир.

Жиноят иши ҳужжатларини ўрганмаган прокурор суд натижаларига таъсир ўтказа олмайди.

ЖПКнинг 402-моддасига мувофиқ, судья жиноят иши судда муҳокама қилиш учун тайинлангандан сўнг прокурорга суриштирув ёки дастлабки тергов даврида иш материаллари билан таништирилмаган бўлса, ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқиши ва ўзи учун зарур маълумотларни кўчириб олиш имкониятини яратиши шарт.

Шунингдек, ЖПКнинг 412-моддасига кўра, ишга янги киришган прокурорга суд муҳокамасида иштирок этишга тайёргарлик кўриш учун зарур вақт берилиши лозим.

Демак, конун талабига кўра, иш ҳужжатлари билан таништириш суднинг мажбурияти, бу имкониятдан фойдаланиш прокурорнинг ҳуқуқи ҳисобланади.

Бироқ, барча прокурорлар ҳам ушбу ёндашувнинг аҳамиятини тушунмайди. Жумладан, судда давлат айбловини қувватловчи прокурорлардан 39 фоизигина жиноят иши бўйича суд бошлангунга қадар тайёргарлик кўришади¹².

Фикримизча, жиноят иши билан танишиш прокурор ваколатини таъминлаш сифатини оширишга хизмат қилишини инobatга олиб, амалдаги ЖПКда прокурорга бундай танишишнинг шартлиги тўғрисидаги мажбурият юқловчи қондани киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги Қонунига асосан, ЖПКга 49¹-боб, яъни «Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув» институти киритилди.

Унга кўра, жиноят иши бўйича иш юри-

тишни тўхтатиб туриш, жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш, жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш, ЖПКда назарда тутилган ҳолларда жиноят ишларини бирлаштириш, номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш асослари мавжуд бўлган тақдирда, суд тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказади.

ЖПКга янги киритилган дастлабки эшитув босқичида прокурор ваколатларини қўйидагиларда кўриш мумкин:

1) қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, дастлабки эшитувни ўтказиш тўғрисида илтимоснома бериш;

2) дастлабки эшитувни кўришда иштирок этиш ваколати:

илтимоснома ва раддиялар келтириш ҳамда асослаш (мисол учун, жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш, далилларни но-

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада биринчи инстанция судларида жиноят ишлари юзасидан суд муҳокамаси бошлангангунга қадар прокурорнинг ваколатлари, мазкур босқичдаги мавжуд муаммолар, прокурорнинг суд мажлисига тайёргарлигининг аҳамияти ва уларни такомиллаштириш масалалари, дастлабки эшитув институти ва унинг ўзига хос хусусиятлари хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: суд, судья, прокурор, ваколат, ишни суддан чақириб олиш, биринчи инстанция суди, суд жараёни, дастлабки эшитув.

* * *

В данной статье описываются полномочия прокурора до начала уголовного разбирательства в судах первой инстанции, существующие проблемы на данном этапе, важность подготовки прокурора к судебному разбирательству и вопросы их совершенствования, предварительное слушание по уголовному делу и его особенности.

Ключевые слова: суд, судья, прокурор, полномочия, отзыв дела из суда, суд первой инстанции, судебный процесс, предварительное слушание.

* * *

This article describes the powers of the prosecutor before the start of the criminal proceedings in the courts of first instance, the existing problems at this stage, the importance of preparing the prosecutor for the trial and the issues of their improvement, preliminary hearing in a criminal case and its features.

Key words: court, judge, prosecutor, powers, recall of case, court of first instance, court trial, preliminary hearing.

мақбул деб топиш, жиноят ишини прокурорга қайтариш тўғрисида илтимоснома ва ҳ.к.;

дастлабки эшитувда ҳал қилинадиган барча масалалар юзасидан фикр билдириш, шу жумладан, ЖПК талаблари бузилган ҳолда олинган далилларни номақбул деб топиш тўғрисидаги ҳимоя томонининг талаблари юзасидан ўз фикрини билдириш мажбурияти;

3) ЖПКнинг 405¹²-моддасида назарда тутилган, жиноят ишини айблов далолатномасини ёки айблов ҳулосасини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш учун асослар мавжуд бўлганда ишни юбориш тўғрисида илтимоснома киритиш;

4) қабул қилинган суд ажрими устидан протест келтириш ваколати.

Н. В. Куликнинг фикрича, ушбу босқичда прокурор дастлабки терговнинг айблов позицияси тўғрисида яна бир бор текшириш имкониятига эга бўлади. Жиноят процесси

иштирокчиларининг, шу жумладан, суднинг танқидий фикрлари унга «бошқа томондан» қарашга имкон беради. Натижада дастлабки эшитувда иштирок этган прокурор аввал танланган позициянинг тўғрилигини тасдиқлайди ёки уни дастлабки суд эшитувида аниқланган ҳолатлар, шу жумладан, айбловни енгилроқ моддага квалификация қилиш ёхуд ундан тўлиқ ёки қисман воз кечиш орқали тузатади¹³.

Дарҳақиқат, миллий қонунчиликка дастлабки эшитув босқичининг татбиқ қилиниши ва унда процесс иштирокчиларининг иштироки таъминланиши ЖПКнинг устувор тамойилларига мос келади.

Д. ДОВУДОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси
судларда прокурор ваколатини
таъминлаш кафедраси
катта ўқитувчиси

¹ Олий суднинг йиллик ҳисоботи, 2015-2018 йиллар.

² Жиноят ишлари бўйича судларда прокурор ваколатини таъминловчи ходимлар ўртасида он-лайн ўтказилган сўровнома натижалари 29.07.2020 йил.

³ О.М.Мадалиев. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки. Монография./ -Т.: ТДЮИ, 2005. 29-б.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги 27.11.2015 й. 126-сонли буйруғи.

⁵ Б.Х.Пўлатов. Прокурорнинг давлат айбловини қувватлашга тайёргарлик кўришининг аҳамияти ва мазмуни. Давлат айбловчиси учун илмий-услубий қўлланма. –Т. 2003. - 5-б.

⁶ Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма. –Т. 2004. 93-б.

⁷ Павлова Е. Анализ и оценка прокурором заключений и показаний экспертов при подготовке к участию в рассмотрении уголовного дела судом первой инстанции. Законность. М.: 2020 (1), –С. 21.

⁸ О.М.Мадалиев. Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурорнинг иштироки. Монография./ -Т.: ТДЮИ, 2005. 41-б.

⁹ Участие прокурора в рассмотрении уголовных дел судами: монография/ Н.В.Буланова; Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – Москва: Проспект, 2018. –С. 15.

¹⁰ Лазарева В.А. Участие прокурора в уголовном процессе. Научно-практическое пособие/ -М.: Издательство Юрайт, 2017. –С.129. – Серия: Профессиональная практика.

¹¹ Курочкина Л. А. Прокурор в суде апелляционной инстанции: кто он? // Законность. 2016. № 7.

¹² Жиноят ишлари бўйича судларда прокурор ваколатини таъминловчи ходимлар ўртасида он-лайн ўтказилган сўровнома натижалари 29.07.2020 йил.

¹³ Кулик Н.В. Участие прокурора в доказывании на предварительном слушании: учеб. Пособие. СПб.: С.-Петербург. Юрик. Ин-т(филиал) Акад. Ген. Прокуратуры Рос. Федерации, 2008. –С. 11.

ЖАМОАТ АЙБЛОВЧИСИ ВА ҲИМОЯЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 4-боби жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакилларига бағишланган. Бироқ, қонунчиликда бу борда қатор муаммолар, бўшлиқлар мавжуд.

Ушбу Кодекснинг 42-моддасида жамоат бирлашмалари ва жамоалар суд муҳокама-сида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси тариқасида иштирок этиш учун ўз вакиллари юборишлари мумкинлиги, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячиларини жамоат бирлашмасининг ёки корхона, муассаса, ташкилот жамоасининг йиғилиши кўрсатиши, йиғилиш қарори судга тақдим этилиши лозимлиги, жамоат бирлашмаси, жамоа ўзи йўллаган жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячисини хоҳлаган вақтда чақириб олишга ёки уни бошқа вакил билан алмаштиришга ҳақли эканлиги, шунингдек 43 ва 44-моддаларида жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган.

Аммо, бу масалалардаги мавҳумликлар судлар томонидан жиноят процессида ишларни кўришда муаммоли вазиятларни юзага келтирмоқда.

Хусусан, 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида жамоат бирлашмасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир. Сиёсий партиялар,

оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади. Ушбу Қонун тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёхуд бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойда (даромад) орттиришига кўмаклашадиган кооператив ташкилотларга ҳамда бошқа ташкилотларга, диний ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган ўзга органларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, давлат жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ улар ўз уставларидаги вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароит яратилишига кафолат беради. Давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларида, спорт иншоотлари ва бошқа иншоотлардан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашилишига, худди шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг

фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди. Жамоат бирлашмалари ташкилотларининг тадбирлари улар аъзоларининг (қатнашчиларнинг) асосан ишдан бўш вақтида ва мазкур бирлашмалар маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Жамоат бирлашмалари манфаатларига дахлдор масалалар қонунларда кўзда тутилган ҳолларда тегишли жамоат бирлашмалари иштирокида ёки улар билан келишилган ҳолда давлат идоралари ва хўжалик ташкилотлари томонидан ҳал қилинади.

Жамоалар жамоат бирлашмаларига нисбатан кенг маънони англатиб, уларга ҳар қандай иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоа киради. Жамоат бирлашмалари аъзолари ҳам жамоа ҳисобланади.

Айни пайтда ушбу Қонунда жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси тўғрисида бирор-бир қоида мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида ҳам жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси тўғрисида тушунча берилмаган.

Мазкур қарорнинг 14-бандида жиноят иши бўйича ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳуқуқи ҳисобланиши, шу туфайли ҳам у иш юритувнинг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечиши мумкинлиги, ҳимоячидан воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ташаббуси билан ва ушбу масала муҳокама этилаётганда ҳимоячининг реал иштироки таъминланган ҳолдагина йўл қўйилиши назарда тутилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 42-моддасида эса, жамоат бирлашмаси, жамоа ўзи йўллаган жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячисини хоҳлаган вақтда чақириб олишга ёки уни бошқа вакил билан алмаштиришга ҳақли эканлиги кўрсатилган бўлиб, бунда айбланувчининг ҳуқуқлари чекланган ёки қонунчиликда қарама-қаршилик мавжуд.

Жамоат ҳимоячиси қатнашаётган иш

бўйича жамоат бирлашмаси, жамоа ўзи йўллаган жамоат ҳимоячисини чақириб олган, бироқ судланувчи жамоат ҳимоячиси уни ҳимоя қилишини хоҳласа, қонундаги бўшлиқ намоён бўлиб, турлича муаммоли вазиятни юзага келтиради.

Шу билан биргаликда, адвокатнинг ишда иштирок этишига, у адвокатлик гувоҳнома-сини кўрсатганидан ва унинг муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг йўл қўйилади. Жамоат ҳимоячисига эса, фақат жамоанинг умумий йиғилиш қарори нусхаси судга тақдим этилиши белгиланганлиги, қандайдир маънода ҳуқуқшунос адвокатдан устунликни намоён этади. Бу вазиятда суд томонидан жамоат ҳимоячисига ишда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ажрим тақдим этилиши кераклиги ёки керак эмаслиги ҳам очиқ қолдирилган.

Қонун нуқтаи назаридан суд процессида жамоат ҳимоячисининг ваколат доираси адвокатнинг ваколатига тенглаштирилган бўлиб, ҳар қандай шахс жамоат ҳимоячиси сифатида ишда иштирок этишига имконият берилган. Бу ҳолат иш бўйича турли ноаниқликларни, манфаатдорликни юзага келтириши мумкин.

Қонунда жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси айнан қандай ишларда қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги, манфаатдорлик даражасига оид норма йўқ.

Жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси фақат суд процессида иштирок этиши мумкинлиги қонунда мустаҳкамланган. Бироқ, унинг суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиш ҳуқуқи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги белгиланмаган.

Бу каби қатор муаммоли масалаларнинг ҳал қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла-тўқис ҳимоя қилинишининг муҳим омилларидан бўлади.

А. АБДУРАЗЗАКОВ,
жиноят ишлари бўйича
Каттақўрғон шаҳар суди раиси

ЎЗБОШИМЧАЛИК ЖИНОЯТИ

Кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ўзбошимчалик жинояти турли кўринишларда тез-тез учрамоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилининг изоҳли луғатида, «ўзбошимчалик»ка «ўзбошимча иш, хатти-ҳаракат» деб таъриф берилган¹.

Жиноят кодексига ўзбошимчалик бошқарув тартибига қарши жиноятлар туркумига мансуб бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган ижтимоий хавфли ҳаракатдир.

Тадқиқ қилинаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги жиноят ҳуқуқи назариясида тажовузнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси билан боғлиқ.

Ижтимоий хавфлилиқ, энг аввало, тажовуз объектида мустаҳкамланади, чунки аксарият ҳуқуқшунослар фикрига кўра, жиноий ҳулқ-атвор натижасида салбий ўзгаришлар айнан тажовуз объектида юзага келади. Жиноят оқибатлари реал воқеликнинг турли хусусиятга эга бўлган салбий ўзгаришларини ўзида ифодалайди. Уларнинг мазмунини аниқлаш катта аҳамият касб этади. Чунки, ижтимоий хавфлилиқнинг пировард натижаси жиноят-ҳуқуқий норма санкциясида мустаҳкамланади.

Ҳуқуқшунос олимлар М. Рустамбаев ва Б. Ахраровнинг фикрича, ўзбошимчалик деганда, бирон-бир ҳаракатларни содир этиш (йўлда тўсиқлар қуриш, ҳисоб рақамидан пулни олиш ва ҳ.к.) ёки айбдор ҳуқуқий ҳужжат ёки шартномага биноан ҳаракат этиши шарт бўлганда, қонуний ҳужжат билан ўрнатилган бирор ҳуқуққа эга бўлиш ёки уни амалга ошириш тартибини бузган ҳоллардаги хавфсизлиги (пулларни тўлашдан, бошқа бир буюмни келтириб беришдан, қайтаришдан қочиш, бўйин товлаш ва ҳ.к.) тушунилади, деб қайд этишади².

Г.А.Поленов қуйидаги фикрни илгари сурган: «Авваламбор, ўзбошимчалик – бу ўз ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан амалга оширишдир. Ўзбошимчалик ўз ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган ҳаракатларни белгиланган тартибни четлаб ўтиб ва унга зид равишда бажаришни англатади»³.

И. Титенков ўзбошимчаликни «ҳаракатларни ўрнатилган ҳокимиятни четлаб ўтиб бажариш» сифатида кўрсатиш унча тўғри бўлмайди, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, ўзбошимчаликнинг қуйидаги таърифи тўғрироқ ва аниқроқдир: «Ҳуқуқни ўзбошимчалик билан амалга ошириш айнан қонун ва қоидалар билан белгиланган тартибга мувофиқ бўлмаган тарзда амалга оширишдан иборатдир»⁴.

Баъзи изланувчилар ушбу ўзбошимчалик жиноятини қонунда ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган тартибга мувофиқ бўлмаган тарзда амалга оширишдан иборат, деган фикрни илгари сурганлар.

Демак, ҳуқуқлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилган бўлса, ўзбошимчалик жиноятининг таркиби мавжуд бўлмайди. Бошқача айтганда, ҳуқуқлар қонуний тартибни бузмасдан амалга оширилган жойда кўриб чиқилаётган жиноят таркиби ҳам мавжуд бўлмайди⁵.

Бундан кўринадики, ўзбошимчалик – бу шахснинг ўз ҳақ-ҳуқуқини қонунда ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган тартибга зид равишда амалга оширишидир.

Масалан, Зарафшон шаҳар судининг жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукмига кўра, МЧЖ раҳбари ва бошқа бир гуруҳ тадбиркорлар ўзаро жиноий тил бириктириб, тегишли МЧЖ ҳудудида енгил конструкцияли, замонавий кўринишда қурилган савдо дўконларида электр-монтаж ишларини амалга ошириш учун тегишли рухсатни олмасдан, электр жиҳозларини ўрнатиб бе-

ришга гувоҳнома бўлмаса-да, ўзбошимчалик билан марказий буюм бозори ҳудудида жойлашган 165 та савдо дўкони ва маъмурий биноларда давлат стандарт талабларига жавоб бермайдиган ва юқори кучланишга мўлжалланмаган кабель симларидан фойдаланиб, электр қурилиш ишларини ноқонуний тарзда амалга оширган. Оқибатда симлардаги носозликлар сабабли, ёнғин келиб чиқиб, буюм бозори ҳудудидаги жами 157 та савдо дўкони, улардаги товар-моддий бойликлар ҳамда бозорнинг маъмурий бинолари ёниб кетиб, фуқаролар, давлат ва жамоат манфаатларига саккиз миллиард сўмдан ошиқ (жуда кўп миқдорда) моддий зарар етказилган.

Гарчанд, айбдорларнинг ўзбошимчалик билан содир қилган жинояти ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб содир қилинган бўлса-да, уларнинг ҳаракати амалдаги қонун талабидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 229-моддаси билан квалификация қилинган. Яъни, «бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир қилиш»ни назарда тутувчи квалификация белгисининг модда диспозициясида назарда тутилмаганлиги қилмишга тўлиқ баҳо бериш имкониятини чеклаган. Ваҳоланки, Жиноят кодексига мувофиқ, бир гуруҳ бўлиб жиноят содир қилиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган.

Ўзбошимчаликда айбдор шахс ўз хоҳиши билан, яъни ҳеч қандай ҳуқуқ ёки ваколатсиз ҳаракат қилади.

Ўзбошимчалик оқибатида етказилган зийннинг жиддийлиги ҳар бир ҳолатда содир этилган жиноятнинг алоҳида ҳолатлари ҳисобга олиниб, аниқланади. Масалан, жиддий зийн сифатида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши тан олинishi мумкин.

Сўнгги пайтларда ўзбошимчаликнинг табиати ва ижтимоий хавф даражаси ўзгариб бораётганлигини кузатиш мумкин. Агар яқин ўтмишда ушбу жиноий ҳаракатлар натижасида фақат мулкка зарар етказилган бўлса, бугунги кунда унинг оқибатлари шахснинг ҳаёти ва соғлиғига, шаъни ва кадр-қиммати ҳам тажовуз қилмоқда.

Масалан, Бухоро вилоят судининг жиноят иши бўйича чиқарилган суд ҳукмига кўра, айбдор шахс уйдан ўғирланган 600 000 сўм пулни қайтариб олиш мақсадида жабрланувчининг уйига бориб, ўзбошимчалик билан қарз эвазига унинг бир бош қорамолини олиб кетиш вақтида жабрланувчи томонидан қаршилиқ кўрсатилган, жанжал чиққан. Оқибатда айбдор шахс томонидан бир фуқаро ўлдирилган, яна бир фуқарога енгил тан жароҳати етказилган.

Кўриниб турибдики, шахснинг ўзбошимча ҳаракати билан бошланган ҳолат бир қанча оғир оқибатларга сабаб бўлган жиноят билан яқунланган.

Бироқ, Жиноят кодексининг 229-моддаси амалиётда ўзбошимчалик билан содир этилаётган турли кўринишдаги жиноий қилмишларни назарий жиҳатдан тўлиқ камраб ололмайди. Оқибатда, тергов ва суд амалиётида ушбу жиноятларни квалификация қилишда хато, камчилик ва муаммолар юзага келмоқда. Шу боис, турли шаклларда содир этиладиган ўзбошимчалик учун жавобгарликни дифференциация қилиш орқали Жиноят кодексининг тегишли нормаларини тақомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Х. ҚУРБОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби докторанти

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Т.: 2010. – 136-б.

² Рустамбаев. М, Ахроров. Б., Бошқарув тартибига қарши жиноятларни квалификация қилиш. Ўқув қўлланма -Т. ТДЮИ, 2006. 122-б.

³ Поленов Г. Ф., Ответственность за преступления против порядка управления. -М 1996. —С.15.

⁴ Титенков И. П. Уголовная ответственность за само управление. Дисс. На соис. учен. степ. канд. юрид. наук-Красноярск, 2009. —С. 46.

⁵ Авлиякулова М., «Ўзбошимчалик учун жавобгарлик». Монография-Т. ТДЮИ, 2015 йил. 12-13-б.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКС: ИШ ЮРИТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Адлия вазирлиги томонидан масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 56-банди ижроси доирасида тайёрланди.

Мазкур Кодекс лойиҳаси амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан қандай жиҳатлари билан фарқланади?

Авваламбор, Кодекс билан тартибга солинган муносабатлар доирасидан келиб чиқиб, Кодекс номи Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс деб номланмоқда. Лойиҳада, шунингдек бир қатор асосий ўзгартиришлар назарда тутилган.

МАЪМУРИЙ ЖАЗОЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Кодекс лойиҳасида маъмурий жазо чоралари тизимини либераллаштириш ҳамда коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида жарималар миқдорининг муқобил вариантдан воз кечилган ҳамда улар қатъий кўринишга келтирилган. Бунда модда санкцияла-

рида белгиланган жарималарнинг энг кам миқдори асос қилиб олинган.

Яъни, амалдаги Кодексте муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима миқдори «базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан 5 бараваригача жарима солишга сабаб бўлади» деб белгиланган бўлса, лойиҳада ушбу жарима миқдори «базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида жарима қўлланишига сабаб бўлади», деб белгилаб қўйилмоқда.

Бундай ўзгартириш белгиланган жарима миқдорларини пасайтириш орқали жазоларни либераллаштириш мақсадини кўзлайди. Шу орқали жарима миқдорлари қатъий шаклда тайинланиб, жариманинг энг юқори миқдори қўлланилишида юз бериши мумкин бўлган коррупция ҳолатларининг олди олинади.

Жарима миқдорларини қатъий кўринишда белгилаш тартиби хорижий давлатлар, жумладан, Қозоғистон тажрибасида ҳам мавжуд. Ушбу тартиб жарима миқдорини жазо қўлловчи орган ихтиёрида қолдирмасликни назарда тутди.

Шунингдек, жарималар миқдори жазоларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, либераллаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилган.

Кодексга киритилган жарима билан боғлиқ асосий ўзгартиришлардан яна

бири ҳуқуқбузарликнинг такрор содир этилишини олдини олишга қаратилган механизмдир. Яъни, лойиҳа билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар такрор содир этилишининг олдини олиш, такрорий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида такрорий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи умумий қоида ўрнатилмоқда.

Қисқача айтганда, ҳуқуқбузарлик содир этган шахс бир йил ичида такрор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаса, жаримани юқорида келтирилган қатъий шаклда тўлайди. Бироқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо қўлланилганидан кейин ушбу ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такрор содир этилган тақдирда, ҳуқуқбузар санкцияда назарда тутилган жарима миқдорининг икки бараварини тўлайди.

Ушбу қоида жарима миқдори алоҳида белгиланган ҳолларга ҳамда бошқа жазо турларига нисбатан қўлланилмайди.

Маъмурий жазо тизимидаги ўзгаришлардан яна бири жамоат ишлари жазосининг киритилишидир. Маълумот учун, ушбу жазо тури Украина ва Озарбайжон қонунчилигида белгиланган.

Маълумки, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган, вақтинча ишсиз шахслар томонидан нисбатан кўпроқ содир этилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан жарима жазоси қўлланилиши уни, агар у оилада ягона боқувчи бўлса, моддий жиҳатдан янада қийин аҳволга солиши мумкин.

Бу ўз навбатида, оғир оилавий шароитни келтириб чиқаради. Жарима жазоси ижросини таъминлашда қатор муаммолар ҳам юзага келади.

Киритилаётган ўзгартиришларга

кўра, суд ушбу ҳолатда ҳуқуқбузарнинг оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитларини ўрганиб чиқиб, жарима жазосини ундириш имконияти мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, мазкур жазо турини тайинлаш ваколатига эга бўлади.

Хабарнома бланкаси расмийлаштирилиши муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод этиш тартибини белгилаш, яъни европротокол фуқаролар учун лойиҳада кўзда тутилган муҳим қўшимчалардан биридир.

Одатда, муайян шахс томонидан амалдаги Кодекснинг 133-моддасида (транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши) ёки 134-моддасида (ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши) назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, ушбу йўл-транспорт ҳодисалари ўрнатилган тартибда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан расмийлаштирилади.

Мазкур қоида йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан маъмурий иш юритиш олиб борилишига ва ишни суд тартибида кўриб чиқишга асос бўлади. Бироқ, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш билан яқунланадиган ушбу процессуал тартиблар фуқаролар учун ортикча оворагарчилик ва қўшимча вақт ва харажатларни келтириб чиқаради.

Лойиҳада эса, бу масалани тез ва самарали ҳал қилиш механизми назарда тутилмоқда. Яъни, хабарнома бланкасини расмийлаштириш (европротокол)

орқали йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари келишувга эришади ва келтирилган зарар суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплаб берилади. Натижада ҳуқуқбузарлик содир қилган шахс маъмурий жавобгарликдан хабарнома бланкаси расмийлаштириш орқали озод этилади.

Европротокол Россия (2009 йилдан), Беларусь (2010 йилдан), Украина (2011 йилдан), Франция, Бельгия (1972 йилдан) давлатлари тажрибасида мавжуд.

Бошқача айтганда, европротокол де-ганда, суғурта тўловларини олиш учун йўл-транспорт ҳодисаларини ваколатли орган ходими иштирокисиз расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби тушунилиши керак.

Бироқ, европротокол барча йўл-транспорт ҳодисаларига нисбатан қўлланилмайди. Европротоколни расмийлаштириш учун йўл ҳаракати қатнашчилари соғлиғи ва ҳаётига, жамоат мулкига зарар етмаган, ҳайдовчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган ва улар ўзаро келишувга эришган бўлиши лозим.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Лойиҳада амалда ўз аҳамиятини йўқотган ёки фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ёхуд интизомий жавобгарликка сабаб бўладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни амалдаги Кодексдан чиқариб ташлаш назарда тутилган. Масалан, бу ўринда электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш (100-модда), транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш (141-модда), шартнома интизомини бузиш (176¹-модда), фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши

(184¹-модда), нотариал ҳаракатни амалга оширишни қонунга хилоф равишда рад этиш (193¹-модда) каби нормалар ҳақида сўз бормоқда.

Шунингдек, лойиҳада амалдаги Кодексдан коррупция билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни чиқариб ташлаш ва уларни Жиноят кодексига акс эттириш белгиланмоқда. Бундан мақсад Ўзбекистон томонидан халқаро стандартларни ва халқаро ташкилотларнинг тавсияларини имплементация қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишдир.

Хусусан, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (61¹-модда), давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (193¹-модда), шунингдек унинг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши (193²-модда) каби ҳуқуқбузарликлар бунга мисол бўлади.

Кодекс лойиҳасига маъмурий ҳуқуқбузарликка сабаб бўлувчи янги ҳуқуқбузарлик турлари, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидаларни бузиш, мажбурий энергетик текширувлар ва экспертизалар ўтказмаганлик, наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, пиёда ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига йўл бермаслик каби ҳуқуқбузарликлар киритилмоқда.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Жазолар тизимига киритилаётган ўзгартиришлардан келиб чиқиб, лойиҳада судлар томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар турлари камайтирилди. Маъмурий жавобгарликка тортишга ваколатли бўлган органлар тоифаси эса кенгайтирилмоқда.

Шунингдек, жабрланувчининг аризасига асосан иш юритишни бошлаш ва тугатиш тартибини жорий қилиш назарда тутилган. Яъни, муайян ҳуқуқбузарлик турлари, масалан, ҳақорат, тухмат бўйича жабрланувчи аризаси мавжуд бўлгандагина, маъмурий иш юритиш бошланиши мумкин. Ўз навбатида, жабрланувчи аризасини қайтариб олиши иш юритишни тугатишга асос бўлади.

Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ваколатига эга бўлган органлар ва мансабдор шахслар рўйхати белгилаб қўйилмоқда. Мазкур тартиб хорижий давлатлар, хусусан, Россия, Қозоғистон қонунчилигида мавжуд бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида аниқланишига, латент ҳуқуқбузарликлар сонининг камайишига имкон беради.

Кодекс лойиҳасида соддалаштирилган тартибда иш юритиш тартиби ҳам жорий этилган. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтда, ҳуқуқбузар иштирокида баённома тузиш ваколатига эга бўлган шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш учун электрон тизим ўрнатилган қурилмалар ёрдамида жарима солиш тўғрисида қарор қабул

қилишдан иборат бўлади.

Соддалаштирилган тартибда ишни кўришга шахснинг ҳуқуқбузарлик фактини тан олиши ҳамда ишни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш учун розилиги талаб қилинади. Иш соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилганда, ҳуқуқбузарга нисбатан ушбу Кодекснинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жариманинг 85 фоизи миқдорида жазо тайинланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят ёки протест беришга оид қоидаларда қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар назарда тутилган:

- суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан апелляция шикояти (протест) бериш институтини жорий қилиш;

- суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан кассация шикояти (протести) бериш институтини такомиллаштириш ва бошқалар.

Таклиф этилаётган Кодекс лойиҳасининг қабул қилиниши билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан иш юритиш тизими такомиллашади. Мазкур иш юритиш тизимидаги ортиқча тартиб-таомиллар бекор қилинади, маъмурий ҳуқуқбузарлик юзасидан жазога тортиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш тизими такомиллаштирилади ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича коррупциявий омилларни бар-тараф этишга эришилади.

А. САФАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот
институтини масъул ходими

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотлар натижасида давлат, жамият, фуқаро, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига ёндашув тақомиллашмоқда. Давлат бошқарувининг жаҳон андозаларига мос янги ҳуқуқий механизми шаклланимоқда.

Мулкчилик, тадбиркорлик фаолияти ва шартномавий муносабатларнинг эркинлашуви сабабли давлатнинг иқтисодий ривожини кузатиш мумкин. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатларининг мукамал даражада тартибга солиниши муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири эркин иқтисодиётга асосланган тадбиркорликни шакллантириш ва бу фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборатдир. Эркин тадбиркорликни шакллантиришда эса, шартномаларнинг тутган ўрни ва аҳамияти каттадир. Шундай экан, шартномавий муносабатларни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш ва қонунчиликдаги мавжуд зиддият ва бўшлиқларни тўлдириш лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатлар хўжалик шартномалари билан тартибга солинади. Хўжалик шартномаси деб, тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини

тўлаш мажбуриятини оладиган келишувга айтилади¹.

1998 йил 29 августда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига кўра, хўжалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма шаклда тузилади. Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин².

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига кўра, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф товарни бошқа тарафга мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммасини тўлаш мажбуриятини олади. Олди-сотди муносабатлари Фуқаролик кодексининг 386–436-моддалари билан тартибга солинади.

Фуқаролик кодексининг 437-моддаси мазмунига кўра, маҳсулот етказиб бериш шартномаси хўжалик шартномаларидан ҳисобланади. Ушбу моддага мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи – сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва

шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Фуқаролик кодексининг 439-моддасига кўра, агар бир тараф иккинчи тарафга шартнома тузиш таклифи билан оферта йўллаган бўлса, иккинчи тараф эса бошқа шартлар асосида акцепт юборса, масалан, шартномани келишмовчиликлар баённомаси билан имзоласа, шартномани тузиш учун офертани юборган тараф ўттиз кунлик муддат ичида ўзининг қарори ҳақида шартномани бошқа шартлар асосида акцептлаган шахсни хабардор қилади. Оферта йўллаган тараф бошқа шартлар асосида шартнома тузишдан бош тортиши ёки ушбу шартларни қабул қилиб, шартномани имзолагани ёхуд бошқа кўшимча шартлар асосида шартнома тузиш мумкинлиги ҳақида шартномани акцептлаган тарафни хабардор қилиши лозим. Яъни, шартномавий алоқаларни давом эттириш учун тарафлар бирор қарорга келишлари зарур. Бошқа шартлар асосида жўнатилган акцепт жавобсиз қолмаслиги лозим. Бу ердаги талаб жавоб йўллаш билан чегараланган. Шартномани тузиш ёки келишмовчиликларни бартараф этиш лозимлиги каби бошқа шартлар қўйилмаган. Тарафлар ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритиш учун жавоб йўллаганликнинг ўзи етарлидир. Агар ушбу мажбурият бажарилмаса, оферта юборган тараф иккинчи тарафни узоқ вақт давомида хабардор қилмагани учун ёки тарафлар ўртасидаги муносабатга аниқлик киритилмагани сабабли унга зарар етказди. Бу эса, шартномани бажаришга тайёргарлик учун ортиқча маблағларнинг сарфланишига олиб келадиган харажатлардир³.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг шартлари шартнома амалда бўлган

пайтда тарафларнинг келишувига биноан ўзгартирилиши, тарафлар шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида келишишлари мумкин. Шартномани муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиш тўғрисидаги келишув шартномада назарда тутилган бўлиши лозим.

Низоли вазиятларда маҳсулот етказиб бериш шартномасини тўла ёки унинг бир қисмини бир томонлама бекор қилиш ёки ўзгартиришга Фуқаролик кодексига назарда тутилган ҳаракатлар содир этилганда ва бошқа асослар мавжуд бўлганда суд томонидан йўл қўйилади. Шунингдек, низо мавжуд бўлмаган ҳолатларда, шартнома бир тарафнинг иккинчи тарафдан шартномани бутунлай ёки унинг бир қисмини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифини олган пайтдан бошлаб, агар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифда бошқа муддат кўрсатилмаган ёки тарафларнинг келишувида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тузилади.

Тарафлар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишни сўраб иқтисодий судга мурожаат қилишлари мумкин.

Шартномани бир томонлама бекор қилишга тарафлардан бири ўз мажбуриятларини бажармаган ҳоллардагина йўл қўйилади. Маҳсулот етказиб берувчининг тегишли шартномани бузиши эса, қуйидаги ҳолларда жиддий ҳисобланади:

- тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш;

- товарларни етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш.

Сотиб олувчининг маҳсулот етказиб бериш шартномасини бузиши қуйидаги ҳолларда жиддий деб ҳисобланиши мумкин:

- товарлар ҳақини тўлаш муддатларини бир неча бор бузиш;

- товарларни бир неча бор олиб кетмаслик.

Тарафларнинг келишуввида маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортиш ёки уни бир томонлама ўзгартиришнинг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Демак, шартнома тарафларидан бирининг ўз мажбуриятини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги иккинчи тарафга шартномани бажаришдан бош тортиш ёки унинг шартларини бир томонлама ўзгартириш ҳуқуқини беради. Бизнингча, бу нотўғри ва Фуқаролик кодексининг нормаларига зиддир. Чунки, шартнома тарафларнинг ўзаро келишувидир. Шартномани тузиш орқали тарафлар муайян келишувга эришадилар. Агар улар ўзларининг хоҳиш-иродалари билан келишувга эришган эканлар, уни ўзгартириш ҳам шартнома тарафларининг хоҳиш-иродаларига боғлиқ бўлиши лозим.

Фуқаролик кодексининг 108-моддасига кўра, нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан битимлари ва шартнома агар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммага тузилса ёзма шаклда тузилиши лозим. Аммо, маҳсулот етказиб бериш шартномасининг тарафларидан бири якка тартибдаги тадбиркор бўлиши ҳам мумкин. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига биноан якка тартибдаги тадбиркор юридик шахс ташкил этмаган

ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишидир. Демак, якка тартибдаги тадбиркор жисмоний шахсдир.

Бинобарин, шартномалар шаклига нисбатан ўрнатилган умумий қоидалардан келиб чиқиб, маҳсулот етказиб бериш шартномаси оғзаки шаклда тузилиши ҳам мумкин. Мисол учун, агарда шартнома энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан кам суммани назарда тутса ҳамда шартнома тарафлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар бўлса, улар ўртасидаги шартнома оғзаки шаклда тузилиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 437, 456-моддалари талабларидан келиб чиқсак, бунда ҳеч қандай қонунбузарликка йўл қўйилмаган бўлади. Аммо, бу «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига зиддир. Унга кўра, хўжалик шартномалари фақат ёзма шаклда тузилади. Бу ерда Фуқаролик кодексининг нормалари билан мазкур Қонуннинг нормаларида ўртасида қарама-қаршиликлар мавжуд.

Бундай коллизияни бартараф этиш учун Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим.

О. ХАЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси,

К. ХАЛМУХАМЕДОВ,
Зангиота туманлараро
иқтисодий суди раиси

¹ Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи. Дарслик. Т.:2003.

² «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 29.08.1998 й. 670-І-сон. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й. 9-сон, 170-модда.

³ Сафонов М.Н. Договор поставки.-М.Инфра – М.1998. – С.27.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ИШТИРОКИДА ТУЗИЛАДИГАН ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАЛАРИ ТАРАФЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» деб номланган 38-боби хизмат кўрсатиш шартномаси иштирокчилари доирасини белгилашга қаратилган нормаларни ўзида акс эттирмаган. Аммо, бу билан мазкур масала умуман ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солилмаган, деб бўлмайди. Зеро, фуқаролик қонунчилигининг шартномалар тўғрисидаги умумий қоидаларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларнинг тарафлари сифатида жисмоний ва юридик шахслар иштирок этишлари маълум.

Мазкур қоидага мувофиқ, ички ишлар органлари юридик шахс сифатида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг тарафи сифатида белгиланиши мумкин.

Демак, ички ишлар органлари шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда юридик шахс сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бунинг ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари фаолиятига оид қонунчилик назариясида ҳам кўриш мумкин. Вазирлик юридик шахс ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби тасвири туширилган ва ўзининг номи ёзилган муҳрга эга бўлади, шунингдек Вазирлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган ўз рамзига эга бўлиши мумкин¹.

Ички ишлар органлари иштирокидаги бир қатор фуқаролик шартномалари фақат ушбу органлар иштирокидаги муносабатларга тааллуқли қонуности ҳужжатлари (идоравий) қоидалари билан тартибга солинган. Бироқ, фуқаролик қонунчилигига мувофиқ шартнома муносабатлари ўзига хосдир. Шу боис, фуқаролик қонунчилиги Ички ишлар вазирлиги муассасаларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг оддий субъекти сифатида кўриб чиқади. Чунки, Фуқаролик кодексининг умумий нормалари фуқаролик муносабатларига ушбу институтларнинг алоҳида ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ бирон-бир ўзгаришсиз қўлланилади.

Маълумки, замонавий шароитда ички ишлар органлари олдида турган муаммоларни ҳал қилиш Ички ишлар вазирлиги муассасаларининг шартнома муносабатларига асосланган иқтисодий фаолиятда, шу жумладан, даромад келтирадиган ишларда тобора фаол иштирок этиши зарурлигини белгилайди. Қонун томонидан рухсат этилган бундай фаолият моддий ва техник таъминот, шунингдек бюджетдан ташқари қўшимча молиялаштириш масалаларини ҳал қилишга имкон беради.

Шунингдек, бозор муносабатларининг ривожланиши, табиийки, Ички ишлар вазирлигининг муассасалари каби муайян субъектларнинг ҳақ эвазига хизмат кўр-

сатиш фаолиятини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш борасида янги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юзага келиши омилидир. Ушбу институтлар ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг субъекти сифатида бошқа юридик шахслар сингари фуқаролик қонунчилигида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг тарафлари тўғрисидаги умумий қоидалар таҳлили асосида, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш, шу билан бирга мазкур шартноманинг ижрочиси сифатида ички ишлар органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, фуқаролик қонунчилигига кўра, ижрочининг ҳуқуқ ва мажбурияти буюртмачи томонидан зиммасига юкланадиган (буюриладиган) ашёвий кўринишга эга бўлмаган хизматни шартномада белгиланган тартиб ва шартлар асосида бажаришдан иборатдир. Бунда ҳақ эвазига хизмат кўрсатувчи шахсининг зиммасига юклатилаётган хизматни бажариш учун ихтисоси, малакаси, тегишли хизмат турини бажариш учун (махсус лицензия) ваколоти ёки муайян ташкилотда фаолият юритаётган бўлиши талаб этилади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пиёда ва (ёки) махсус автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда кузатув хизматини тақдим этишда қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

туристларни шартнома асосида кузатиб бориш хизмати давомида шартнома ижросини таъминлаш учун зарур куч ва

воситаларни ажратиш;

кузатув хизматини кўрсатишда ходимларнинг ўз вазифаларини лозим даражада бажаришларини таъминлаш;

кузатув амалга оширилаётган туристларга нисбатан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ва уларнинг хавфсизлигига таҳдид қилувчи бошқа ҳолатларнинг олдини олиш;

фавқулодда ҳолатларда туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун эвакуация, қутқарув ва бошқа тадбирларни амалга ошириш;

кузатув хизматини кўрсатиш кабилар.

Мазкур мажбуриятларда кузатувни амалга оширувчи ходимларнинг малакаси, мутахассислиги ҳамда хорижий тилларни ўзлаштирганлик даражаси ҳақидаги қоидалар мавжуд эмаслигини кўриш мумкин.

Кузатув хизмати Ички ишлар вазирлиги томонидан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланадиган тарифларга мувофиқ тўлов асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган². Мазкур тўловлар тўғрисидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлиги Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармасининг расмий веб-сайтида ёки бошқа ОАВ орқали таништириб борилмаган. Бундай ҳолатлар бир тарафдан, буюртмачи учун ноқулайликлар вужудга келтирса, иккинчи тарафдан, хизматлар ҳажмига бўлган эҳтиёжнинг камайишига сабаб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бажариш билан боғлиқ мажбурият ижрочининг шахсан ўзи томонидан амалга оширилиши белгиланган. Бу эса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятини кўрсатади, унга кўра, ижрочининг шахсан ўзи шартнома шартларини

бажариши шарт, Фуқаролик кодексининг 241-моддасидаги мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклашни назарда тутувчи умумий қоида бундан мустасно ҳисобланади. Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, шартнома бўйича буюртмачининг асосий мажбурияти ўзига кўрсатилган хизмат учун шартномада белгиланган ҳақни ўз вақтида тўлаш ёки тўлаб боришдан иборатдир. Буюртмачи тегишли хизматга буюртма бериши учун ижрочи каби муайян талабга жавоб бериши шарт эмас, бироқ унда тегишли хизматга буюртма бериш учун асос, зарурат ва маблағ бўлиши шарт³.

Масалан, Ички ишлар вазирлигининг олий ўқув юртлири томонидан пуллик таълим хизматлари тақдим этилади. Ички ишлар вазирлиги Академияси Уставининг 56-бандида таълим ва бошқа соҳаларда, агар у Академиянинг асосий фаолиятига зарар етказмаса, пуллик хизмат кўрсатиш мумкинлиги ва шу билан бирга

Академия олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти унинг Уставидаги вазифаларига мос келиши кераклиги тўғрисидаги қоидалар мавжуд.

Жумладан, Академия хусусий мулки билан хўжалик жамиятлари ва бирлашмаларининг жамғармаларида иштирок этиши, пуллик таълим, маслаҳатлар бериш ва бошқа хизматлар баҳосини белгилаш, олинган фойданинг солиқлардан ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан қолган қисмига мустақил эгаллик қилиш ҳуқуқига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Ички ишлар вазирлигининг Академияси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва ўз Уставига зид келмайдиган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш масалаларини мустақил равишда ҳал этиш ҳуқуқига эга. Бундан маълум бўладики, Академия ўз фаолиятида шартнома асосида пуллик таълим хизматларини кўр-

АННОТАЦИЯ

Мақолада ички ишлар органлари иштирокида тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари таҳлил этиб берилди. Шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари атрофлича ўрганилиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Таянч нушунчалар: ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, шартнома тарафлари, шартнома тарафларининг ҳуқуқлари, шартнома тарафларининг мажбуриятлари.

В статье анализируются вопросы, связанные с правами и обязанностями сторон по заключению договоров по оказанию платных услуг с участием органов внутренних дел. А также вносятся предложения и рекомендации исходя из мнений ученых правоведов.

Ключевые слова: оказание платных услуг, стороны договора, права сторон по договору, обязанности сторон по договору.

The article analyzes the rights and obligations of the parties to paid service contracts concluded with the participation of the internal affair agencies. Also, the views and opinions of legal scholars were studied in detail, and suggestions and recommendations were developed

Key words: provision of paid services, parties to the contract, the rights of the parties under the contract, the obligations of the parties under the contract.

сатиши мумкин. Мазкур ҳолатда Академияда шартнома асосида таҳсил олаётган тингловчилар зиммасига шартнома тарафининг буюртмачиси сифатида белгиланган ҳақни ўз муддатида ва тўлиқ тўлаб бериш мажбурияти юкланади.

Академия Касбий тайёргарлик факультети фаолиятида ҳам пуллик таълим хизматларини йўлга қўйиши мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, Ички ишлар органларининг шартномавий муносабатларда тўлақонли ва самарали иштирок этишини ривожлантириш заруратини қуйидагилар билан асослаш мумкин:

биринчидан, фаол идоравий қонун ижодкорлиги натижасида баъзи мажбурий муносабатлар кўпроқ шартномавий тусга эга бўлмоқда, масалан шартнома асосида оммавий тадбирлар пайтида жамоат тартибини сақлашни таъминлаш, юкларни ва автотранспорт воситаларини кузатиб бориш ва ҳоказо;

иккинчидан, қўшимча молиялаштириш зарурати туфайли ички ишлар органлари раҳбарларига пуллик хизматлар соҳасидаги муаммоларни мустақил равишда ҳал қилиш учун кенг ваколатлар берилди. Асосий талаб шундан иборатки, ҳақ эвазига хизматларни тақдим этиш органларнинг устувор вазифаларини бажаришига таъсир кўрсатмаслиги керак;

учинчидан, бозор муносабатлари ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда тўлақонли иштирок этиши учун ваколат доирасидаги хизматларни тақдим этиш кўламини диверсификация қилишга таъсир кўрсатди. Булар:

1) илгари судланган ва қидирилаётган шахслар тўғрисидаги шахсий маълумотларни тақдим этиш;

2) архив маълумотлари билан таъминлаш;

3) ашёвий далилларни шартнома асосида текшириш;

4) мулкни ҳимоя қилиш ва бошқа хизматлар⁴.

Шундай қилиб, Ички ишлар вазирлиги муассасаларининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш борасидаги фаолиятини, унинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш давр талабидир. Шу йўл билан ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги кўпгина камчиликларга ҳам барҳам берилиши мумкин.

У. МАҲМУДҲОДЖАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги Академияси
«Фуқаролик ҳуқуқи фанлари»
кафедраси ўқитувчиси,
мустақил изланувчи

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисида»ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2018 йил 1 июль. № 06/20/5773/0248-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги, «Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида пулли хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш тўғрисида»ги 669-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил 14 август, 09/19/669/3570-сон.

³ Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДЮИ. 2009. – 332-б.

⁴ Петров И.В. Некоторые аспекты участия органов внутренних дел в обязательственных правоотношениях // Общество и право. – М.: 2012. – № 2 (39) – С.74.

«АДОЛАТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА» ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Олий суд томонидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда «Адолат – қонун устуворлигида» танлови ғолибларини тақдирлаш расмий маросими ўтказилди. АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик» қўшма лойиҳаси кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М. Абдусаломов, Судьялар олий кенгаши раиси Х. Ёдгоров, АҚШ элчиси ўринбосари Алан Мельцер ва бошқа давлат органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу танловда иштирок этиш учун 5 та номинация бўйича 1 200 га яқин журналистик материал орасидан танлов шартларига мувофиқ келадиган 750 та ижодий иш саралаб олинди. Бинобарин, 5 та номинация бўйича 15 нафар ижодкорнинг ижодий иши мукофотга лойиқ деб топилди.

Танлов тақдиротини кириш сўзи билан очган Олий суд раиси К. Камилов эътироф этганидек, оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида қатъият билан олиб борилаётган тарихий янгилашни ва ўзгаришлар жараёни мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилиш, судлар фаолиятида очиқ-ошкоралик, қонунийлик ва шаффофликни таъминлаш, халқимизнинг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Шунингдек, Олий суд раиси суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро амалий ҳамкорлиги ўта муҳим аҳамияга эга экани, Олий суд раҳбарияти томонидан оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, журналистларга ҳолис ва ҳаққоний ахборот олишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, хусусан, Олий суд Пленуми томонидан қабул қилинган «Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида»ги қарор ҳам шу мақсадга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади ва барча мукофотланганларни самимий муборакбод этди.

Ўз навбатида, тадбирда яна бир қувончли воқеа – Олий суд муассислигида чоп этилаётган ҳуқуқий, илмий-амалий нашр – «Одил судлов» - «Правосудие» журнали ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳам муносиб нишонланди.

Кўтаринки кайфиятда ўтган анжуман барча иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдиргани баробарида ижодкорларни рағбатлантиришга муносиб улуш қўшгани шубҳасиздир.

НОМИНАЦИЯЛАР ҒОЛИБЛАРИ РЎЙХАТИ

«ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО ЙЎНАЛИШИДА ЭНГ ҒАОЛ ЖУРНАЛИСТ» НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБЛАРИ

1-ўрин:

Қуддус Аъзамов – (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O`zbekiston» телерадио-канални «Жамоатчилик фикри» бош муҳарририяти бош муҳаррири) «O`zbekiston» телеканалнинг «Муносабат» ток-шоусида суд-ҳуқуқ ислохотлари мазмун-моҳияти, мақсадини кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қиладиган туркум кўрсатувлари учун;

2-ўрин:

Шоира Ражабова – (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O`zbekiston 24» телерадиоканални давлат унитар корхонаси «O`zbekiston 24» радиоканали Ахборот-таҳлилий дастурлар бўлими катта муҳаррири) «O`zbekiston 24» радиоканалида судьялар билан ташкил этган очиқ мулоқотлари учун;

3-ўрин:

Жўрамурад Боборахматов – (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O`zbekiston» телеканални ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқий-маданият бўлими мудири) «O`zbekiston» телеканалда судлар фаолиятига оид туркум кўрсатувлари учун.

«БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЙЎНАЛИШИДА ЭНГ ҒАОЛ ЖУРНАЛИСТ» НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБЛАРИ

1-ўрин:

Хуршид Султонов – журналист, республика матбуотида судлар томонидан қабул қилинган оқлов ҳукмлари асосида чоп этилган туркум мақолалари учун;

2-ўрин:

Зиёда Ашурова – («Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири) «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳақидаги мақолалари учун;

3-ўрин:

Оксана Маласобирова – («Правда Востока» газетаси муҳбири) «Правда Востока» газетасида чоп этилган суд-ҳуқуқ ислохотларига бағишланган таҳлилий мақола ва суд очерклари учун.

«ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКА ЙЎНАЛИШИДА ЭНГ ҒАОЛ ЖУРНАЛИСТ» НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБЛАРИ

1-ўрин:

Маруса Ҳосилова – («Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази бош мутахассиси) «Hudud-24» сайтида эълон қилинган суд очерклари учун;

2–ўрин:

Маъсуджон Сулаймонов – (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бўйича мухбири) «UzA» сайтида эълон қилинган Фарғона вилояти судлари фаолиятига оид мақолалари учун;

3–ўрин:

Низомжон Исломов – (aniq.uz сайти бош муҳаррири) aniq.uz сайтида эълон қилинган суд-ҳуқуқ ислохотлари ва судлар фаолиятига оид материаллар учун.

«ЭНГ ФАОЛ СУДЬЯ ВА СУД ХОДИМИ» НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБЛАРИ**1–ўрин:**

Мақсуд Саидов – (Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари – иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси) республика матбуотида суд тизимида жорий этилаётган янгилик ва ўзгаришларни мазмун-моҳиятига доир туркум таҳлилий мақолалари учун;

2–ўрин:

Мухтарама Турғунова – (Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судьяси) оммавий ахборот воситаларида чоп этилган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳақидаги мақолалари учун;

3–ўрин:

Ақром Арипов – (Ўзбекистон Республикаси Олий суди бош консультанти) интернет сайтлари ва босма нашрларда чоп этилган суд очерклари учун.

«ЭНГ ФАОЛ ИЛМИЙ ХОДИМ» НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБЛАРИ**1–ўрин:**

Омонулла Муҳаммаджонов – (Тошкент давлат юридик университетининг профессори, юридик фанлар доктори) оммавий ахборот воситаларида чоп этилган илмий мақолалари учун;

2–ўрин:

Малика Қаландарова – (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг кафедра мудири) оммавий ахборот воситаларида чоп этилган илмий мақолалари учун;

3–ўрин:

Бобоқул Тошев – (Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори) оммавий ахборот воситаларида чоп этилган илмий мақолалари учун.

МАХСУС СОВРИН

«Янги Ўзбекистон» газетаси таҳририяти – суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятига оид туркум мақолалари учун.

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

Бахтли бўлиш учун доимо шу бахтга интилмоқ ва уни англамоқ зарур. Бахт вазиятга эмас, кишининг ўзига боғлиқ.

* * *

Инсонни чинакам бахтиёр қила оладиган икки хил хоҳиш бор – одамларга наф келтириш ва соф виждонли бўлиш.

Л. Н. Толстой

* * *

Яхшилик қилсам ўзимни яхши ҳис этаман. Ёмонлик қилсам ўзимни ёмон ҳис этаман. Бу менинг эътиқодим.

Линкольн

* * *

Бировга қилинган яхшилик кишини шуниси билан ром этадики, у шафаққа ўхшаб охири ўчиб кетмайди, қайтага янада ёрқинлашиб ўзимизга қайтиб келади.

Гюго

* * *

Киши қанчалик доно ва саховатли бўлса, у кишилардаги эзгуликларни шунчалик кўпроқ пайқайди.

Паскаль

* * *

Кун ботишидаги соянгга қараб, буюклигинг тўғрисида ҳукм чиқарма.

Пифагор

* * *

Агар одам ўз орзуси томон ишонч билан ҳаракат қилса ва ўзи хаёл қилган ўша ҳаётда яшашга интилса, у ҳолда муваффақият унга одатдагидек ва ҳеч кутилмаганда насиб этади.

Торо

* * *

Қатъиятли бўлинг. Биз учун ҳақиқат ва фақат ҳақиқат керак. Дўстлар кўнглини овлашга, муаллимларни юмшатишга, бирон кимсани ҳам ранжитмайман деб ўйлашга уринманг. Майли, сиз бу йўл билан хотиржамлик ва ҳатто ҳаловатга ҳам эришарсиз, аммо ҳеч бир наф келтирмайсиз.

В. А. Обручев

* * *

Одамларга уларнинг ҳам дўстлари, ҳам душманларига қараб баҳо бериш керак.

Конрад

«Дурдоналар» тўпламидан